Посольство России ставит целью информационное обеспечение внешнеполитических инициатив своего государства на международной арене, освещение международных событий и празднование знаменательных дат, культурных событий в стране пребывания.

Посольство Индии уделяет должное внимание мероприятиям, организуемым Индийским национальным культурным центром (занятия йогой, национальные индийские танцы и кинофестивали), а также материалам, относящимся к визитам индийской делегации высшего и высокого уровня, международным событиям, мероприятиям в социально-культурной, экономической и политической областях в стране пребывания с участием Индии.

Проведенный нами анализ по востребованным материалам, опубликованным в Facebook трех посольств, даёт основание сделать вывод, что социальные сети не должны дублировать официальные сайты, содержащие в себе исключительно официальные сообщения. Для социальных сетей востребован такой продукт, который имеет познавательную ценность и тем интересен для своих пользователей. Это предполагает публикацию информации, касающейся внешнеполитических вопросов, выраженной современным языком.

Инновационный формат тесного взаимодействия между обществом и дипломатическими ведомствами делает современную дипломатию более публичной и менее сдержанной.

Таким образом, инновационный формат тесного взаимодействия между обще-

ством и дипломатическими ведомствами делает современную дипломатию более публичной и менее сдержанной. В этих обстоятельствах очень важно, не упуская инициативы и применяя новые средства коммуникации с их специфическим стилем общения, не допустить падения уровня политической культуры, осведомлять пользователей о более широком круге событий, сообщать о значимых фактах в деятельности консульств и представительств страны за рубежом.

Литература

1. *Holmes Marcus.* The future of digital diplomacy. *Digital Diplomacy: Theory and Practice,* 2015, p.199; *Цветкова Н.* Программы Web 2.0 в публичной дипломатии США//США и Канада: экономика, политика, культура, 2011, № 3. С.109–122.

2. *Bjola Carnelius,* and *Marcus Holmes*. Digital Diplomacy: Theory and Practice. – New York: Routledge, 2015; *Cull N.J*. Wikileaks, Public Diplomacy 2.0, and the State of Digital Public Diplomacy//Place Branding and Public Diplomacy, 2011, 7(1); *Dizard W.P*. Digital Diplomacy: US Foreign Policy in the Information Age. – Westport, CT: Praeger, 2001; *Li X*., and *J.Wang*. Web Based Public Diplomacy//Journal of International Communication, 2010, 16(1); *Kampf, Ronit, Ilan Manor, and Elad Segev.* Digital Diplomacy 2.0. A Cross-national Comparison of Public Engagement in Facebook and Twitter//The Hague Journal of Diplomacy, 2015, 10.4; *Manor Ilan.* Framing Adversaries: Digital Diplomacy and Moral De-Legitimization//Paper presented at the 9th Pan-European Conference on International Relations, 2015; *Mergel I.* Social Media in the Public Sector: A Guide to Participation, Collaboration, and Transparency in the Networked World. – San Francisco: Jossey-Bass, 2013; *Natarajan K.* Digital Diplomacy and a Strategic Narrative for India// Strategic Analysis, 2014, 38(1); *Sandre A.* Twitter for Diplomats. – Geneva: DiploFoundation and Istituto Diplomatico, 2013; *Shirky C*. The Political Power of Social Media//Foreign Affairs, 2011, 90 (1); *Zhong X*., and *J.Y.Lu*. Public Diplomacy Meets Social Media: A Study of the US Embassy's Blogs and Microblogs//Public Relations Review, 2013, 39(5).

3. We Are Social's Digital, Social and Mobile in 2015 report. http://www.wearesocial.com/uk/special-reports/digital-social-mobile-worldwide-2015

4. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2015 год. Эл. адрес: http://press-service.uz/ru/news/5079/

М. Сиддиқова

Халқ билан мулоқотда онлайн ҳукуматнинг аҳамияти (Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида)

“Инсоният ҳукуматни яратишдан асосий мақсади инсонлар учун рационал, адолатли ижтимоий яшаш шароитини таъминлаш эди...” [1].
Аристотель.

Хукумат мамлакат фуқаролари ва жамият фаровонлигини таъминлаши, уларнинг манфаатларини самарали ҳимоялаши учун замон янгиликларига, яъни цивилизациялар тўқнашуви ва алмашичинувига мослашган замонавий бошқарувни амалга ошириши ахборотлашган жамиятнинг долзарб талабларидан биридир. Тарихдан маълумки, янги бир турдаги оммавий ахборот воситалари пайдо бўлганида доимо сиёсий соҳага ҳам ўзгаришлар олиб келади. Буни матбуотнинг юзага келиши, радио ва телекўрсатувнинг сиёсат оламида кескин ўзгаришлар ясаганидан ҳам кўриш мумкин. Интернет тармоғининг вужудга келиши ҳам нафақат инсонларнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди, балки сиёсатнинг янгича кўринишини, яъни онлайн сиёсатни намоён қилди. Виртуал оламдаги онлайн аудитория маълум маънода ўзининг қудрати билан реал сиёсатга таъсир кўрсата олди. Онлайн оммавий ахборот воситаларининг тараққиёти кўпгина олимларнинг сиёсат тизимида турли мамлакатларнинг “яширин” таъсирларини ўрганишга чорламоқда. Илгари сиёсатга у қадар қизиқмаган онлайн аудитория

М. Сиддиқова, *ЖИДУ мустақил изланувчиси.*

аъзоларининг ҳам интернет орқали сиёсатга қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ўзининг ҳуқуқларини топталган деб билувчи одамлар тармоқ орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар.

Интернет тармоғининг вужудга келиши сиёсатнинг янгича кўринишини, яъни онлайн сиёсатини намоён қилди.

Онлайн тармоқ аллақачон оммага сиёсий жараёнларни кузатиш, фикр бериш ва ҳатто муҳокама қилиш ҳуқуқини берувчи майдонга ҳам айланган. Виртуал аудиторияда жамиятнинг таъсирчанлик кучи ортиб бормоқда. Дунёнинг кўплаб давлатларида сиёсий орган ва ташкилотлар ҳам интернет аудиториясининг қанчалик муҳимлигини англаган ҳолда ўзларининг ахборот сайтларини яратиб, турли муаммоли вазиятларга нисбатан фикр, изоҳ ва шарҳ бериб бормоқдалар. Бу эса, аудитория томонидан улкан қизиқиш билан ижобий қабул қилинмоқда. Бир ярим миллиардга яқин аҳолига эга бўлган Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг бу борадаги тажрибасини кузатиш, ер юзининг қарийиб тўртдан бирини ахборот билан таъминлаш тажрибасини ўрганиш каби муҳимдир.

Хитойлик олим Ванг Линлин ўзининг “Онлайн давр ва ҳукуматдаги янгиланишлар” номли китобида таъкидлашича, ахборот технологиялари инқилоби ҳукумат фаолияти тартиб қоидаларини тубдан ўзгартириб юбормаган бўлса-да, лекин ҳукумат тизимига, ҳаттоки ХХРнинг Компартиясига ўз таъсирини кўрсатди. Эндиликда ҳукумат бошқарувни фақат анъанавий хусусиятларга таянган ҳолда амалга оширганда инсонлар талабига тўла жавоб беролмаслиги маълум бўлди. Бу эса, ўз навбатида, интернет давридаги ҳукумат янгиланишларини келтириб чиқарди ва бу соҳада назарий изланувчилар сони ҳам ортиб борди. ХХР коммунистик партиясининг ўн саккизинчи пленумида “Интернетнинг жамият бошқарувини кучайтириш, интернет тармоғи меъёрларини тартибли ҳаракатини илгари суриш”, “Интернет хавфсизлигига юқори эътибор қаратиш” каби муҳим масалалар муҳокама қилинган эди [2]. Бу каби масалаларнинг илгари сурилиши ва олий ҳукумат даражасида чуқур ўрганилиши ХХР ҳукумат раҳбарларининг сиёсий муҳитдаги ўзгаришларга жиддий эътибор қаратаётганлигидан далолат беради. Хитой интернет ахборот маркази (CNNIC) 2016 йил 3 августда эълон қилган “38-Хитой интернет тараққиёти ҳақидаги статистик ҳисобот” 2016 йилнинг биринчи ярмида ХХР интернет аҳли 710 миллионга етганлигини кўрсатди [3].

Бу кўрсаткич Хитой аҳолиси сонининг кўплиги ҳисобига дунё мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Катта ўзгаришларга бой бўлган бу давр – тартиб қоидага ва ҳукумат бошқарувига ўта муҳ-

тож бўлган, ўз навбатида, ҳукуматдан ҳам янгиланишларни талаб этадиган давр ҳисобланади. 2004 йилда АҚШнинг Колумбия университети ректори Ли Болингер Пекин университетига ташриф буюрган чоғида шундай дейди: “Ҳозирги кунда уч хил куч дунё тараққиётига ўзгариш олиб кирмоқда, Хитойда ҳам яққол намоён бўлаётган бу кучлар сирасига қуйидагилар киради:

- Глобаллашув жараёнида тўхтовсиз ривожланаётган иқтисодиёт;
- Ҳукумат фаолияти;
- Интернет тармоғи” [4].

Бугунги кунда дунёдаги кўплаб мамлакатлар ҳукуматлари интернетдан унумли фойдаланиб бошқарувни амалга оширишлари маълум. Интернет оммавий ахборот воситалари – газета, радио ва телевидениедан фарқли равишда жуда катта қудратга ва таъсир кучига эгадир.

Онлайн жамият ва онлайн сиёсат виртуал бўлса-да, реал ҳукумат бошқарувига жиддий таъсир эта олади.

Онлайн жамият ва онлайн сиёсат виртуал бўлса-да, аммо унинг вазифалари ва самараси асло виртуал эмас. У реал ҳукумат бошқарувига жиддий таъсир эта олади. ХХР олимларининг фикрига кўра, янгиланиб бораётган ҳукумат интернет оламини эркин руҳияти билан ҳамнафас бўлган ҳолда бошқариши, айниқса, ижобий интернет оламини ҳаракатлантириш чораларини топиши лозимдир [5].

Онлайн тармоқлар фаолияти авж ола бошлаши билан ХХР ҳукумати ўз вақтида зарур назорат чораларини қўллади. 2007 йил 23 апрель куни ўтказилган ХХР Марказий қўмитасининг (中共中央政治局) сиёсий департаменти мажлисида Хитойнинг ўзига хос интернет маданиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари ҳақида алоҳида таъкидланди. 2007 йилнинг сентябрь ойида шу департаментнинг ўн саккизинчи малака ошириш курсининг асосий мавзуси “Жаҳон интернет технологиясининг тараққиёти ҳамда Хитой интернет маданиятининг шакилланиши ва бошқаруви” деб номланганди. ХХР Раиси Ху Цзинтао шу тадбирдаги маърузасида таъкидлашича, “Интернет маданиятининг тезкор суръатларда ривожланиши хабарларни тарқатишда, билим олишда, партиянинг таълимоти ва устувор вазифаларини кенг тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этди, шу билан бирга, Хитойнинг социалистик маданиятига янгича мавзулар олиб кирди. Ижодкорона руҳда интернет маданиятини шакллантириш ва бошқариш, одамларнинг тобора ортиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондириш лозим” [6].

ХХР тадқиқотчиларининг таъкидлашича, онлайн ахборот даврида ҳукумат фаолияти самарадорлигида қуйидагилар таҳлил қилиниши лозим [7].

Биринчидан, ҳукумат эндиликда илгаригидек фақат анъанавий авторитар органгина эмас, балки оммага хизмат кўрсатувчи замонавий тизим ҳамдир.

Иккинчидан, фуқаролар фаолиятидаги ўзгаришлар нафақат анъанавийликка, балки замонавийликка ҳам асосланмоғи жоиздир.

Учинчидан, ҳукумат ҳаққонийлиги манбаларидаги ўзгаришлар, айниқса, халқ фикрининг онлайн маскандаги аҳамиятининг ортиб бориши, фуқаролар фикрлари ва қудратининг кучайиши жорий ҳукуматнинг шундай қолиши ёки ўзгаришига таъсир эта олади.

Тўртинчидан, ҳозирги кунда онлайн оммавий ахборот воситаларининг кенг тараққий этганлиги ва аудиториянинг ундаги фаол иштироки, қолаверса, эркин танқидий фикрлаш учун катта имконият яратиб берди. Онлайн жамиятнинг ҳаёт тарзи ошкоралик, турфа хиллик, либералликка асосланмоқда, онлайн жамиятдаги фуқаролар ҳам мустақил ва индивидуаллашиб бормоқдалар. Бошқарувчи сифатида жамиятнинг янги шаклига мослашиш учун ҳукумат ўз нуфузини сақлаш чораларини кўришига тўғри келади.

Бешинчидан, ҳукумат фаолиятининг кенг қамровлилиги, асосан, фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашда намоён бўлиши лозимдир.

Ҳукуматнинг замонавий муҳитга мослашиши, ундаги саволларга жавоб бериши ва ижро этиши самарасини ошириш учун, энг аввало, онлайн омманинг фикрларини ҳукумат механизмига жалб қилиш, уларга жавоб беришни кучайтириш керак. “Хитой ёшлари газетаси” (“中国青年报”) томонидан онлайн омманинг фикрлари ҳақида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра: 61.4 фоиз омманинг фикрича, “интернет орқали ҳақиқатни сўзлаш жуда қулай”; 67.2 фоиз омманинг фикрича, “онлайн аудиторияда табақаланиш ва шу каби кўплаб фарқлар камайди”, давлат органлари ва оддий аҳоли орасидаги масофа яқинлашди; 57.3 фоиз аҳолининг фикрича, мансабдор шахсларнинг онлайн омма фикрини ўрганиши “ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги аҳилликни таъминлашга ёрдам беради” [8].

Виртуал ҳокимиятда билим ва ахборот ташкилот қудратининг асосини ташкил қилади. Хитойлик олимлар виртуал ҳукумат ва анъанавий ҳукуматнинг фарқли жиҳатларини солиштириб, қуйидагича таснифлайдилар.

1-жадвал.

Виртуал ҳукумат ва анъанавий ҳукуматнинг фарқли жиҳатлари [9]

Тадқиқот объектлари	Виртуал ҳукумат	Анъанавий ҳукумат
Ташкилий структураси	Онлайн	Функционал
Фаолият тушунчаси	Бевосита жамиятга, корхоналар ва фуқароларга юз тутиш	Жамият, корхоналар ва фуқаролар ҳақида билвосита қайғуриш
Ҳолати	Актив, ўзгарувчан, эластик	Сокин, барқарор
Ресурслар	Билим, иқтидор, ахборот	Куч, ҳокимият, мулк
Раҳбар	Ҳукумат ҳаракатларида режиссер вазифасини бажаради	Ўрта қатлам бошқарувчиларининг миқёси кенг бўлиб, мувофиқлашув етишмайди
Фаолият усули	Юмшоқ, ҳамкорликда, келишиб ишлаш	Стандартлашган, бир хиллик, вазирликлар ўртасида кураш
Фаолият маскани	Электрон маскан	Ҳар бирининг ўз маскани
Функцияси	Ижтимоийлаштириш, оммалаштириш	Ёпиқлик

Узоқ йиллардан буён, дунёдаги бир қанча мамлакатлар виртуал ҳукуматни амалда ташкиллаштириш билан шуғулланмоқдалар. Жаҳон бозорини ўрганиш ташкилотининг (WMRC) хабар беришича, ҳудудий нуқтаи назардан ўрганилганда Шимолий Америка ҳудудида ҳукумат виртуаллашуви энг юқори кўрсаткичда, яъни 51 фоизга етган, Европа ва Осиё 34 фоиз, Яқин Шарқ, Россия, Жанубий Америка 27.7 фоиздан 31.1 фоизгача етган [10].

Ҳукуматнинг оммага ошкоралиги, айниқса, оммавий ахборот воситалари орқали ҳамкорлигини XX асрнинг 50 йилларида АҚШ Оқ уйининг матбуот котибияти ва унинг спикерини жорий этганлигидан бошлаб янада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Матбуот спикери АҚШда расман сиёсий тизимга айланганди. Ҳозирги кунга келиб бу тизим анча сайқалланди, унинг мазмуни асосан ҳукуматга алоқадор йирик воқеалар, муҳим тадбирлар, фавқулотда ҳолатлар, умуман, оммавий манфаатлар билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Бу ўз ўрнида омманинг ошкора саволларига жавоб бериш тизимини ҳам кўзда тутади. Хитойда эса бу тизим аста-секинлик билан XX асрнинг 80 йилларидан бошланди. 1983 йилда Марказий қўмитанинг ташқи тарғибот раҳбариятининг ишчи гуруҳи（中央对外宣传领导小组）“Матбуот конференцияси тизими”ни ташкил қилиш ва халқаро журналистлика фаолиятини кучайтириш таклифи”ни（关于实施“设立新闻发言制度” 和加强对外国际记者工作的意见）илгари сурдилар [11]. Ўша йили 23 апрелда Хитой журналистлар асоциацияси илк бор халқаро журналистлар учун Давлат кенгашининг янги матбуот спикерини таништирди, Хитойда ҳукумат матбуот анжумани тизими ташкил этилгани ҳақида расман эълон қилинди.

Хитой ҳукумати матбуот спикерлик тизими ижтимоий фикрни шакллантириш, ҳукумат имиджини яхшилаш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Янги аср кириб келганидан сўнг, “Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг ахборот ошкоралиги ҳақидаги низоми” каби бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ҳукуматнинг матбуот анжумани тизимининг фаолияти учун сиёсий ҳуқуқий асос бўлди. 2003 йилда SARS юқумли касаллиги мамлакатда шиддат билан кенг тарқалганидан сўнг, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2003 йил апрель ойининг бошларидан 24 июнга қадар умумий 67 марта матбуот анжумани ўтказилди [12]. Бу мамлакат тарихида энг кўп матбуот анжумани ўтказилган давр бўлди. Ўттиз йилдан ортиқ вақт мобайнида Хитой ҳукумати матбуот спикерлик тизими ижтимоий фикрни шакллантириш, ҳукумат имиджини яхшилаш каби махсус вазифаларни бажариб келмоқда. Шу билан бирга, турли мамлакатларнинг оммавий ахборот воситаларини Хитой ҳақидаги керакли ахборот билан таъминламоқда.

Интернет тизимининг кескин ривожланиб бориши натижасида омманинг ахборотдан хабардор бўлишга эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Омманинг эҳтиёжи ва ҳукуматнинг ташаббуси остида ҳукуматнинг онлайн матбуот спикерлик тизими ташкил қилина бошлади. 2009 йил 1 сентябрда Гуиджоу вилоятининг Гуиянг шаҳар ҳукумати онлайн матбуот спикерлик тизимини жорий қилишини эълон қилди. Ушбу тизим ХХР ҳукуматининг расман онлайн матбуот спикерлик тизими вужудга келишининг илк белгиси бўлди [13]. Хитойнинг Шанси вилояти ҳукумат ахборот сайти 2009 йилдан бошлаб “Омма билан мулоқот” саҳифасини ташкил қилиб, аудитория томонидан ҳар бир берилган саволга жавоб бериб боради. Бу эса, ўз навбатида, ауди-

ториянинг шу ҳудудга тегишли кўплаб масалаларга нисбатан сокинлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади [14].

Шундан сўнг, мамлакатнинг кўплаб ҳудудларида ҳукуматнинг онлайн матбуот хизматлари фаолият юрита бошлади. Бу тизим, ҳозирги кунда ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги боғловчи кўприк вазифасини бажармоқда. "Хитой ёшлари газетаси" ("中国青年报") ижтимоий тадқиқот маркази Пекин даромад бозорини ўрганиш компанияси ҳамкорлигида ўтказган 3009 киши иштирок этган ижтимоий сўровларга кўра, 64.5 фоиз кишиларнинг фикрича онлайн матбуот спикерлик тизимининг жорий қилиниши ҳукуматнинг аҳоли фикрига бўлган юксак эътиборини англатади, аҳолининг 80,3 фоизи эса ўзлари яшаётган шаҳар ҳукуматини ҳам шу каби тизимни жорий қилишига умид қилишади [15].

ХИТОЙ "ВЕЙБО"СИ

Хитойлик мутахассисларнинг фикрича "Вейбо" оммавий ахборот воситаларининг янги кўринишдаги майдони бўлиб аҳолининг жуда катта эътиборини қозонган. Хитойда "Вейбо" онлайн тармоғининг сиёсий фаоллиги ортиб бормоқда. Турли ҳукумат ва вазирлик идоралари ҳам ўзларининг "Вейбо" саҳифаларини ташкил қилиб, маъмурий имкониятларини янада кенгайтирмоқдалар [16].

2009 йилнинг иккинчи ярмида илк бор Хунань провинциясининг Таоюань уъезди ҳукуматининг Вейбо саҳифаси "Таоюань ванг" ишга тушди. Бу Вейбо ўз саҳифасини очган биринчи ҳукумат органи эди. Кейинчалик Юннань вилояти ҳукуматининг "Вейбо Юннань", Пекиннинг "Пинг ан Бейджинг" каби Вейбо саҳифалари ташкил қилинди. Шу билан бирга, партия раҳбарларининг ҳам расмий Вейбо саҳифалари кўпайиб кетди.

Хитой маъмуриятни ўрганиш институтининг электрон ҳукумат тадқиқот марказининг 2012 йил февраль ойида берган маълумотига кўра, Хитойнинг миллий ахборот агентликлари Синхуа, Синланг, Тенгсюнь, Женминь веб-сайтларининг Вейбодаги саҳифаларида рўйхатдан ўтган ҳукумат саҳифаларининг умумий сони 50561тага етган, шундан 32358таси ҳукумат ва партия органлари саҳифаси, 18203таси партия ва ҳукуматда фаолият юритувчи кадрларнинг расмий саҳифаларидир [17].

Вейбо қисқа вақт ичида Хитойнинг ахборот денгизига айланди, унда етук мутахассислар ва олимларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳам, турли тоифадаги оддий халқнинг ҳам ўз овози мавжуд. Жуда кенг кўламга эга бўлган ушбу ахборот майдони ҳукуматга оммани бошқариш ва ишончига кириш учун қулай имконият яратди. Пекин шаҳри мисо-

лида ўргансак, Пекин шаҳар матбуот хизмати 2011 йил ноябрь ойида “Пекин Вейбо матбуот гуруҳи” (“北京微博发布厅”) расман ишга туширилди. Бу саҳифа 21та вазирлик ва 7та спикер ҳамкорлигида иш бошлаган “бирлашган хизмат” эди. Мамлакатдаги илк бор ташкил қилинган вилоят даражасидаги Вейбо матбуот тарқатиш гуруҳи бўлди.

Хитойлик мутахассис Ванг Шеншен таъкидлашича, Хитой ҳукуматининг онлайн хизматлари, яъни ҳукумат Вейбо саҳифаси, ҳукумат веб-сайтлари ёки онлайн матбуот спикерлик тизими каби ахборот хизматларининг барчаси сифат ва мазмундорлик жиҳатидан бошланғич босқичда бўлиб, малака оширишга, ҳорижий тажрибанинг фойдали томонларини ўрганишга эҳтиёж сезади [18].

Ҳукуматнинг онлайн матбуот анжумани спикери анъанавий матбуот спикерлари билан бир хил бўлмаслиги керак, у:

- ижодкорона ёндашмоғи, мажбуран хизматчилик юзасидан эмас, балки ишига ўз истаги билан сидқидилдан жон куйдириши;
- омманинг фикрларига тезкорлик билан фикр билдириши;
- ижтимоий фикрни ўз йўлига бошлай оладиган қобилиятга эга бўлиши;
- оммада юзага келган тушунмовчиликларни тезкорлик билан бартараф қила олиши;
- фактларга асосланиши;
- виқор билан нутқ сўзлаши, баландпарвоз ва қуруқ гаплардан қочиши, онлайн омманинг муҳим сиёсий воқеаларга нисбатан шубҳа билан қарашишларига иложи борича йўл қўймаслиги лозим.

Онлайн омманинг сиёсатдаги иштирокини қонуний таъминлаш, ва бошқариб бўлмайдиган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан сўнгги йилларда бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Масалан, “Бутун Хитой Халқ Вакиллари Кенгаши доимий қўмитасининг интернет хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги қарори” (“全国人民代表大会常务委员会关于维护互联网安全决定”), “Интернет ахборот хизмати бошқарув чоралари” (“互联网信息服务管理办法”), “Интернет сайтларининг ахборот нашр қилиш билан шуғулланишини бошқариш меъёрлари” (“互联网站从事登载新闻业务管理暂行规定”), “Фақулодда ҳолатларни бартараф этиш қоидалари” (“突发事件应对法”) каби бир қанча ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши интернетда омманинг сиёсатдаги иштироки ва умуман, онлайн оммавий ахборот воситa-

ларининг фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлди. Бироқ, хитойликларнинг фикрича, Вейбодан фойдаланувчилар сонининг шиддат билан ўсиб бораётганлиги жорий қонунчиликнинг ҳамон камлик қилаётганини кўрсатмоқда.

Вейбо саҳифаларида оммавий ахборот воситаларини ташкил қилиш фақатгина Хитой ҳукумат идоралари ва Хитой аудиториясини қамраб олмайди, балки турли давлатларнинг Хитойдаги элчихоналари, трансмиллий корхоналар ҳамда турли ташкилотларнинг ҳам оммага ахборот берувчи воситалари мавжуд. Улар томонидан узатилаётган ахборотлар мазмунини кузатсак, турли мақсадлар ва манфаатлар учун ҳаракатларни кўриш мумкин. Хитойлик ижтимоий фанлар бўйича мутахассис Джанг Чунхуа асарида таъкидлашича, 2011 йил январь ойида АҚШнинг ХХРдаги элчихонасининг расмий Вейбо саҳифаси АҚШдаги турар жойларнинг нархлари ҳақида хабар эълон қилди. Унга кўра, шаҳар марказига яқин жойлашган уйларнинг нархи 400 минг АҚШ долларни ташкил қилади. Бу каби маълумот хитойликларни мамлакатда уй-жойлар нархларининг кескин ошиб бораётганлигига нисбатан жиддий норозилик кайфиятини пайдо қилди. Шундан сўнг, бир неча ой ичида АҚШ элчихонаси кетма-кет коммунал, телефон тўловлари, интернет харажатлари каби масалаларни муҳокама қилиб, Хитой интернет аудиториясининг эътиборини жалб қилди [19]. Бу каби дипломатик идораларнинг Вейбодаги оммавий ахборот воситалари оддий аҳолининг кундалик ҳаётидаги масалаларни олиб чиқишга ҳаракат қилишлари туфайли бир томондан, ўзларини халққа яқин кўрсатишга интилса, иккинчи томондан, Ғарбнинг ўзига хос маданияти, ҳаёт тарзи ва қадриятларини тарғиб қилади.

Айрим маълумотлар орқали АҚШнинг интернетдан Хитойга нисбатан геосиёсий мақсадларини ошкора тарзда кўриш мумкин.

Айрим маълумотлар орқали АҚШнинг интернетдан Хитойга нисбатан фойдаланишдаги геосиёсий мақсадларини ошкора тарзда кўриш мумкин. Масалан, Джанг Чунхуа ўз асарида шундай ёзган: «АҚШнинг 2012 йилдаги президентликка номзодларидан бири, ХХРдаги АҚШ собиқ элчиси Джон Хантсман (Jon Huntsman) ўз нутқида: “Биз ўзимизнинг тарафдорларимизни ва Хитой мамлакат ичкарисидаги қўллаб-қувватловчиларимизни бирлаштиришимиз лозим, улар интернет даврининг ёшларидир. Хитойда 500 миллиондан ортиқ интернетдан фойдаланувчилар, 80 миллион Вейбо аъзолари мавжуд. Улар ўзгаришлар олиб келадилар, бу каби ўзгаришлар Хитойни ағдаради (take China down)”» [20]. Ҳозирги кундаги замонавий жамиятда ахборот инқилоби геосиёсат соҳасида янги виртуал масканни яратди, бу эса, геосиёсий курашларнинг меъёр ва қоидаларини янгиланишига олиб келди.

Классик геосиёсатда манфаатлар учун кураш қурукликда ва денгизда амалга оширилган бўлса, замонавий геосиёсатда виртуал маскан, ахборот олами етакчи кураш маскани бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий геосиёсатда виртуал маскан, ахборот олами етакчи кураш маскани бўлиб хизмат қилмоқда.

Ахборотлашган жамиятда ОАВнинг халқаро сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларга, қолаверса, одамларнинг фикрлашига, ишлашига, яшашига таъсири тобора чуқурлашиб бормоқда. Шундай бўлганлиги учун ҳам ҳар бир ОАВ учун ижтимоий масъулият ҳиссини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Демак, Хитойнинг йирик оммавий ахборот воситалари интернет билан интеграциялашишга, иқтисодий, сиёсий, маданий, ижтимоий ва экология йўналишларида ахборот беришга интилади. Шунингдек, ОАВ томонидан кўчмас мулк нарх-наволарининг қимматлашувига вақтида изоҳ бериш, озиқ-овқат хавфсизлиги каби иқтисодий масалаларга жиддий эътибор қаратиш, интернетда кўтарилган нозик масалалар юзасидан ўз вақтида тезкор жавоб бериш, омманинг кайфиятини бошқариш ОАВ сиёсатининг устувор мақсадларидандир.

Замон билан ҳамнафас ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳам онлайн тармоқ имкониятларидан кенг ва унумли фойдаланмоқда. Айниқса, 2016 йил сентябрь ойида Ўзбекистон ҳукумат порталида Бош вазирнинг pm.gov.uz манзилидаги виртуал қабулхонасини аҳоли мурожаати учун очилиши омма орасида катта шов-шувли ва шу билан бирга қувончли воқеа сифатида қабул қилинди. Кўплаб муаммолар ўз ечимини топди, халқ ҳукумат раҳбариятига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. 2016 йил 26 декабрь маълумотларига кўра, порталга жами 313318та мурожаат келиб тушган ва шундан 242197таси кўриб чиқилган [21]. Муаммоларнинг тезкорлик билан ҳукумат томонидан ҳал этилаётгани ва чоралар кўрилаётгани халқнинг ҳукуматга ва раҳбариятга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Виртуал оламдаги ушбу янгилик реал жамиятимиз фуқароларига эндиликда фуқаролик жамиятининг эгалари эканликларини чуқур ҳис этиш имкониятини берди. 2017 йилнинг Ўзбекистонда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши, аввало, халқимиз турмушининг янада юксалиши, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга қулай замин яратади. Қолаверса, ахборот соҳасидан, оммавий ахборот воситаларидан ҳамда барча ташкилот ва идораларнинг онлайн тармоқларидан янгича сиёсий ёндошувни, ахборотлашган жамиятга хос бўлган тезкор фаолиятни талаб этади.

Зеро, муҳим масалалар, муаммолар, тадбирлар, жамият эътиборини тортган воқеа-ҳодисалар, халқ манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлган масалаларга доир лавҳаларни тезкорлик билан эълон қилиш, халқнинг шу мазмундаги ахборотга бўлган эҳтиёжини турли ташқи кучлардан олдин, биринчи бўлиб қондириш, аудитория билан мулоқотни фаоллаштириш ҳозирги кунда мамлакат ахборот соҳасининг ўзига хос тараққиётини намоён қилмоқда.

Адабиётлар

1. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 46.

2. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013 йил. – Б. 1.

3. http://www.cnnic.net.cn/hlwfzyj/hlwxzbg/hlwtjbg/201608/t20160803_54392.htm Хитой интернет тармоғини ўрганиш ахборот маркази (中国互联网罗信息中心) (CNNIC). "Хитой интернетининг ривожланиш ҳолати ҳақидаги 38-статистик ҳисоботи". 2016 йил 3 август.

4. http://www.southc.n.com/tech/news/tech/news/2004 04110015.htm, 2008. – Б. 4 – 11.

5. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 31.

6. Шу манба. – Б. 42.

7. Шу манба. – Б. 45 – 47.

8. Хоу Джаосяо (侯兆晓). Интернет оммасининг фикри демократия кўпригига айланиб бормоқда (网络民意渐成民主渠道) // Демократия ва ҳуқуқ журнали (民主与法制), 2008. №16. – Б. 42–44; Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 78.

9. Лу Лу (陆璐). Виртуал ташкилотлар назарий қарашлари остида маъмурий ташкилотларнинг вужудга келиши (论虚拟组织理论视野下的行政组织创新)// Сянгджуо педагогика университети илмий журнали (湘范学院学报), 2005. №3. – Б. 29–31; Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 92.

10. Лю Фенгюань (刘凤元). “Виртуал ҳукумат” тараққиёти ва келажаги ҳақида таҳлил (浅析“虚拟政府”发展趋势及其启示). Бизнес даври журнали (商业时代), 2008. №20. – Б. 10; Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 93.

11. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 174.

12. Шу манба. – Б. 174.

13. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 174.

14. Zhang Chunhua. Sociological Interpretation of Net-Mediated Public Sentiment. Social sciences academic press. Beijing. – P. 86.

15. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 174.

16. Zhang Chunhua. Sociological Interpretation of Net-Mediated Public Sentiment. Social sciences academic press. Beijing. – P. 86.

17. Хитой маъмуриятни ўрганиш институтининг электрон ҳукумат тадқиқот маркази. http://www.nsa.gov.cn

18. Ванг Линлин (王淋淋). Интернет давридаги ҳукумат янгиланишлари (网络时代的政府更新). Давлат маъмуриятини ўрганиш институти (国家行政学院出版社). 2013. – Б. 178.

19. Zhang Chunhua. Sociological Interpretation of Net-Mediated Public Sentiment. Social sciences academic press. Beijing. – P. 216.

20. Zhang Chunhua. Sociological Interpretation of Net-Mediated Public Sentiment. Social sciences academic press. Beijing. – P. 217.

21. https://pm.gov.uz/uz 26.12.2016.

Д.Ш. Умарханова

МДҲ ва ШҲТ доирасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ҳозирги кунда дунёда халқаро жиноятлар сонининг кескин ошиб бораётганлиги сабаб халқаро хавфсизликни таъминлаш бўйича давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳамкорлигини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бундай шароитда халқаро ҳамжамиятнинг жиноятчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, шубҳасиз, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик институтининг аҳамиятини кўплаб халқаро шартномалар тузилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бу борада, айниқса, сўнгги йилларга келиб, халқаро ҳамжамият манфаатларига тажовуз қилувчи, халқаро-ҳуқуқий тартиб асосларига путур етказувчи, давлатлар хавфсизлигига зарар келтирувчи жиноятларга қарши кураш ҳамда уларни олдини олиш борасида халқаро-ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш, мамлакатларнинг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш масаласи янада долзарблашмоқда.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик институтининг аҳамиятини жаҳонда кўплаб халқаро шартномалар тузил-

Д.Ш. Умарханова, *ЖИДУ катта илмий ходими, юридик фанлари номзоди.*

ганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳозирда ушбу соҳага оид шартномалар давлатлараро дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлашга қаратилган одат нормаларига айланиб қолди. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид минтақавий тизим амалда деярли дунёнинг барча минтақаларида ўз ўрнини топган.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар алоҳида йўналишларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вужудга келишига олиб келди. Бу эса, ушбу соҳадаги икки томонлама шартномалардан кўптомонлама шартномаларга ўтиш даври келганини билдирмоқда. Мазкур ҳолатда давлатлар шартномаларни ишлаб чиқиш жараёнида доим дипломатик музокараларни олиб бориш, миллий манфаатлар ўзгариши натижасида уларга ўзгартириш ва қўшимча киритиш, имзолаш ва ратификация қилиш, зарур ҳолларда янги қонун ҳужжатини қабул қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида уюшган жиноятчиликка, экстрадицияга оид, ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва қидирувни амалга ошириш масалалари борасида бир қатор муҳим ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди. “Уюшган жиноятчилик ва хавфли жиноятларнинг бошқа турларига қарши кураш борасида 2000 йилгача ўзаро чоратадбирлар тўғрисида”ги давлатлараро дастурининг қабул қилиниши, 1993 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг Ички ишлар вазирликлари ҳузурида Уюшган жиноятчилик ва хавфли жиноятларнинг бошқа турларига қарши кураш бўйича бюролар очилганлиги ҳамда “Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Минск конвенцияси” қабул қилинганлиги собиқ совет ҳудудида уюшган жиноятчиликка қарши кураш муайян даражада шаклланганлигидан дарак беради. Шубҳасиз, Минск конвенцияси минтақада жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни ривожлантиришда ўзининг ижобий таъсирига эга бўлди. МДҲ давлатлари ўртасида 2000 йилда имзоланган “Фуқаролик, оила ва жиноят муносабатларида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Кишинёв конвенцияси” Минск конвенциясининг янада мукаммаллаштирилган ва минтақа бўйлаб ўзаро ҳуқуқий ҳамкорлик асосларининг янада такомиллаштирилганлигини кўрамиз.

МДҲ доирасида Ўзбекистон ҳам қўшилган энг муҳим шартномалардан бири 1993 йил 22 январдаги Минск конвенцияси фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдамни тартибга солишга бағишланган. Ўзбекистон ушбу конвенцияни 1994 йил 21 февралда ратификация қилган бўлиб, унга ҳозирга қадар амал қилмоқда. С.Ш. Даубасов таъкидлаганидек, “ушбу

конвенциянинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши Собиқ Иттифоқ тарқалиб кетгач, унинг ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш зарурияти, шунингдек, МДҲ мамлакатлари миллий қонунчилигида жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларининг тартибга солинмаганлиги ҳамда жиноятчилик даражасининг кескин ортиши каби омиллар билан изоҳланади [1].

2002 йил 7 октябрда эса, МДҲ давлатлари Минск Конвенцияси қоидаларига ва уни қўллаш бўйича тўққиз йиллик тажрибага асосланиб, "Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция" (Кишинёв конвенцияси)ни имзоладилар. Шундан сўнг, Минск конвенцияси Кишинёв конвенциясини ратификация қилган давлатлар учун ўз кучини йўқотди (уни ратификация қилмаган давлатларга нисбатан амал қилишда давом этмоқда).

Кишинёв конвенциясининг иштирокчилари сифатида Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молодова, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Украина имзолади. Ҳозирда ушбу конвенция Арманистон (19.02.2005), Беларусь (2004 йил 27 апрель), Озарбайжон (2004 йил 27 апрель), Қирғизистон (01.10.2004), Қозоғистон (2004 йил 27 апрель) ва Тожикистон (17.05.2005) Республикалари учун кучга кирган.

Шу ўринда, Минск ва Кишинёв конвенциялари ўртасидаги тафовутли жиҳатлар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, Ўзбекистоннинг ушбу конвенцияга қўшилмаганлигига ҳам шу орқали ойдинлик киритилади. Авваламбор, таъкидлаш жоизки, ушбу икки конвенция ўртасидаги асосий фарқ Кишинёв конвенциясига нисбатан янги бўлгани боис, қамрови ва кўлами жиҳатдан Минск конвенциясидан кенгроқдир. Ушбу конвенциялар моддаларининг тузилиши ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳам Ф.М. Файзиев томонидан ўрганилган [2].

Шу билан бирга, Кишинёв конвенциясида Минск конвенциясида кўзда тутилмаган қуйидаги масалалар ҳам қамраб олинган: биринчидан, қўшимча равишда аҳдлашаётган давлатлар ҳудудида уларнинг шахсий, мулкий ва номулкий ҳуқуқлари ҳам муҳофаза этилиши жоизлигини белгилайди; иккинчидан, ушлаб бериш тўғрисидаги талабномани мазмуни ва расмийлаштириш тартиби янада аниқлаштирилган; учинчидан, ушлаб берилиши сўралаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг ваколатли органи ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан қўлланилиши кўзда тутилган; тўртинчидан, Кишинёв конвенцияси Минск конвенциясига қараганда атамаларнинг аниқлиги билан тавсифланади, хусусан, муддатлар Минск

конвенцияси ойлар билан, Кишинёв конвенциясида эса, аниқ кунлар билан кўрсатилганлиги ҳам ижобий ҳол; бешинчидан, Кишинёв конвенциясида ушлаб берилиши сўралаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқ жазосини қўллаш тартиби (72–74-моддалар) батафсил белгиланган; олтинчидан, Кишинёв конвенциясида ҳимояга бўлган ҳуқуқнинг таъминланиши тўғрисида алоҳида модда (76-модда) бағишланган; еттинчидан, Кишинёв конвенциясида ўлим жазосининг қўлланилмаслиги қатъий белгиланди (81-модда); Кишинёв конвенциясида ушлаб бериш рад этиладиган ҳолатлар рўйхати кенгайтирилди ва янада муайянлаштирилди (89-модда).

Ўзбекистон МДҲ Кишинёв конвенциясини имзоланган вақтда унинг талабларини миллий қонунчиликка сингдиришга ҳали тўла тайёр эмас эди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Кишинёв конвенциясини имзоланган вақтда унинг талабларини миллий қонунчиликка сингдиришга ҳали тўла тайёр эмасди. Зотан, Кишинёв конвенциясида ўлим жазоси ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқни қўллаш бўйича белгиланган меъёрлар ҳали Ўзбекистон қонунчилигида ўз аксини топмаган эди. Ушбу конвенция ўлим жазосини бекор қилишни ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқни қўллаш бўйича тартибни ислоҳ этишни талаб қиларди. Бундай номувофиқлик эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ушбу конвенцияни ратификация қилиш имкониятини рад этарди. Айни дамда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самараси ўлароқ, ҳозирда давлатимизда Кишинёв конвециясини ратификация қилиш борасида барча имкониятлар мавжуд ҳамда ушбу конвенция Минск конвенциясига нисбатан юқорида қайд этилган афзалликлари билан ажралиб туришини ҳисобга олиб, Кишинёв конвециясини ратификация қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, Кишинёв конвенцияси ўзининг бугунги кундаги янги ва долзарб масалаларни қамраб олиши, тушунчаларнинг аниқлиги, мазмунан кенглиги ҳамда инсон ҳуқуқлари талабларини мустаҳкамловчи қўшимча кафолатларни кўзда тутиши билан тавсифланади.

Ҳозирда, халқаро жиноят ҳуқуқи доирасида халқаро характердаги жиноятлар назарияси ва амалиёти шаклланиб, мазкур жиноий қилмишлар бир неча ёки барча давлатларнинг манфаатларига дахлдор бўлиб, бунинг натижасида халқаро ижтимоий хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам, бундай ҳоллар давлатлар ўртасидаги шартнома бўйича халқаро характердаги жиноятлар деб тан олинади ҳамда уларга кўп томонлама конвенцияларга тегишли халқаро-ҳуқуқий баҳо берилади.

Жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида трансмиллий жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликнинг муҳимлиги ва устуворлиги, унинг таъсис ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу боис, ШҲТнинг фаолиятида 6 та аъзо давлатларнинг (Қозоғистон, Хитой, Қирғизстон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон) тинчлик ва хавфсизлигига таҳдид солувчи вазиятларни тартибга солишда биргаликда олиб борадиган ҳаракатларини ишлаб чиқишга ва уларга жавоб бера оладиган бирдамликни мустаҳкамлашга эришишди. Бундан ташқари, ШҲТ фаолияти давомида, кўптомонлама ўзаро ёрдам механизмини, тамойилларни шаклантиришни ва салмоқли халқаро-ҳуқуқий база яратилишига муяссар бўлди.

Бунинг тасдиғи сифатида, ШҲТ доирасида тузилган "Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенция"-[3]сининг мақсади халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, давлатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланди. Ушбу Конвенцияга кўра, терроризм, сепаратизм ва экстремизм тушунчаларига таъриф берилган бўлиб, тарафларнинг миллий қонунчилигига мос равишда ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, тарафлар ўртасида ўзаролик тамойилига асосланиб фаолият олиб бориш, талабнома билан мурожаат қилган томонга ёки талабномага жавоб берадиган томонга нисбатан қўйиладиган талаблар батафсил ёритилган. Марказий органларнинг ҳамкорлик доирасидаги ваколатлари, вазифалари ҳамда йўналишлари белгилаб қўйилган.

ШҲТ кўптомонлама ўзаро ёрдам механизми ва салмоқли халқаро-ҳуқуқий база яратилишига муяссар бўлди.

Жумладан, ахборот алмашинуви, тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишдаги талабнома билан мурожаатлари, амалиётга татбиқ этилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан алмашиш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар юзасидан тажриба алмашиш каби масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Бундан фарқли ўлароқ, 2009 йилдаги "Терроризмга қарши ШҲТ конвенцияси"[4]га қабул қилиниб, унга кўра, терроризмга қарши кураш бўйича аъзо давлатлар ваколатли органларининг ўзаро фаолияти, ахборот алмашинуви, лозим бўлса дипломатик, Интерпол ёки МАТТ (Марказий антитеррор тузилмаси)нинг Ижроия қўмитаси каналларидан фойдаланиш лозимлиги каби масалалар белгиланган (6-модда). Мазкур конвенция юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг мантиқий давоми десак муболаға бўлмайди.

ШҲТ аъзо давлатлари томонидан юқорида қайд этилган йўналиш бўйича 40 дан ортиқ ҳужжат қабул қилинган [5] бўлиб, уларда, асосан, қуйидагилар ҳақида келишиб олинган:

- террористик, сепаратистик ва экстремистик ҳаракатларни содир этганликда айбланаётган ёки гумон қилинаётган шахсларга нисбатан бошпана бермаслик ва талабнома билан мурожаат қилган давлатга ушлаб бериш [6];

- халқаро қидирувни амалга ошириш учун биргаликда ҳамкорлик қилиш, кейинчалик бундай шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясига асос қилиб белгиланди [7];

- терроризм, сепаратизм ва экстремизм хатти-ҳаракатларини ШҲТ аъзо давлатларининг миллий қонунчилигида қандай акс этишидан қатъи назар, бир хилда жиноят категориясига киритиш [8];

- террористик характерда бўлган жиноятларни содир этган ёки ушбу ҳаракатларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ягона қидирув реестрини ташкил этиш ва юритиш [9];

Шулар қаторига, ШҲТ доирасида махсус хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги сиёсий жиноятлари учун ўз мамлакатини ташлаб кетган шахсларни тегишли бўлган давлатга қидирувини таъминлаш ва кейинчалик ушлаб беришга таянадиган келишувлар имзоланди. Ушбу келишувларда тамойиллар мажмуаси ва механизмларини бирлаштирган ҳолда ШҲТнинг иштирокчи давлатларига ушлаб бериш бўйича ҳуқуқий база яратилди, деб ҳисоблаш мумкин [10].

ШҲТ аъзо давлатларининг жиноятчиликка қарши самарали кураши сезиларли даражада ўзгарди.

Фикримизча, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши кураш бўйича ушбу икки конвенциянинг моҳиятидан келиб чиқиб, янада такомиллаштириш масалаларини кўзда тутувчи меъёрларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Лекин шунга қарамасдан, бугунги кунда ШҲТ аъзо давлатларининг жиноятчиликка қарши самарали кураши сезиларли даражада ўзгарди. Томонлар ўртасида олиб борилган ўзаро ўқув машғулотлари, ҳамкорлик натижасида ваколатли органларнинг фаолияти, МАТТнинг ушбу жиноятларга қарши кураш стратегиялари таҳсинга лойиқ. МДҲ ва ШҲТнинг жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида қабул қилинган ҳужжатларидан келиб чиқиб ўз йўналишларини, ҳамкорлик механизмини ва уни такомиллаштириш масалаларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Зеро, МДҲга аъзо давлатларнинг аксарияти ШҲТга ҳам аъзо ҳисобланади.

Шундай экан, жиноят ишлари бўйича халқаро давлатлар ҳамкорлиги меъёрларининг ҳар томонлама таҳлили ушбу институтни тўлиқ шаклланган ҳамда замонамизнинг муҳим ҳуқуқий ҳодисаси сифатида таърифлаш имконини беради. Бу эса, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ишла-

ри бўйича одил судлов масалаларини ҳал этишда МДҲ ва ШҲТ аъзо давлатлари ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими ҳамда ушлаб бериш институтини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари сезиларли даражада ортганлигидан далолат беради.

Адабиётлар

1. Даубасов С.Ш. Некоторые вопросы относительно правовых оснований выдачи преступников // Мат-лы международ. науч.-практ. конф. – Алматы, 2001. – С. 291.

2. Файзиев Ф.М. Международно-правовое регулирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи: автореф. дисс. … канд. юрид. наук. – Ташкент, 2007. – С. 14–15.

3. Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом (г.Шанхай, 15 июня 2001 года) / Избранные документы ШОС. – Пекин. Изд.: ШОС, 2005. – С. 54–65.

4. Конвенция Шанхайской организации сотрудничества против терроризма (г.Екатеринбург, 16 июня 2009 года) / Избранные документы ШОС. – Пекин. Изд.: ШОС. 2010. – С. 66–87.

5. www.sco2011.kz/news/846/

6. Декларация глав государств - членов Шанхайской организации сотрудничества (раздел III), г.Астана, 05.07.2005г. и Концепция сотрудничества государств – членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом (раздел I), г.Астана, 05.07.2005; http://www.sectsco.org/

7. Соглашение между государствами-членами Шанхайской организации сотрудничества о Региональной антитеррористической структуре (ст.6, ч.8), г. Санкт-Петербург, 07.06.2002); http://www.sectsco.org/

8. Концепция сотрудничества государств - членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом (раздел II, п.3), г. Астана, 05.07. 2005; http://www.sectsco.org/

9. Ўша жойда.

10. www.hro.org/files/SCO_RUS.doc

А.А. Исаджанов

Ўзбекистон: барқарор иқтисодий ривожланишнинг экологик омиллари

Сўнгги йилларда замонавий рақобатбардош ва диверсификация қилинган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш стратегиясини изчил амалга ошириш натижасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланиб иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

2015 йилда амалга оширилган кенг кўламли, ўзоқни кўзлаган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш – иқтисодиётимизнинг янада барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлаб беришга замин ҳозирлади. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этаётганига қарамасдан, ўтган йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми эса салкам 18 фоизга ошди [1].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5,5 баробар, аҳолини реал даромадлари эса 9 маротаба ошди. Республикада амалга оширилган кенг қамровли ишлар натижасида экологик муҳитни яхшилаш соҳасида аҳоли жон бошига атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори 2000 йилда 95 килограммдан 2015 йилга келиб 61 килограммгача пасайтиришга эришилди. Охирги 15 йил давомида ялпи ички маҳсулотни энергосиғимлилиги икки маротаба камайди [2].

А.А. Исаджанов, *и.ф.д., Тошкент ислом университети.*

Жаҳон хўжалик тизимига интеграциялашув ва иқтисодиётнинг очиқлик даражасини ошириш жараёнида Ўзбекистон тобора мураккаб ва комплексли характерга эга бўлган янги чақириқларга юз тутмоқда.

Аммо, жаҳондаги замонавий вазият 2008 йилда бошланган ва давом этаётган тизимли (молиявий, иқтисодий, экологик, энергетик ва ижтимоий-демографик) инқироз шароитида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу вазиятда, замонавий жаҳон хўжалик алоқалари тизимига интеграциялашув ва иқтисодиётнинг очиқлик даражасини ошириш жараёнида Ўзбекистон ҳам тобора мураккаб ва комплексли характерга эга бўлган янги чақириқларга юз тутмоқда.

Экология соҳасида Ўзбекистонда ҳал этилиши лозим бўлган миллий вазифалар давлат дастурлари атроф-муҳитни ҳозирги ва келажак авлод учун муҳофаза қилишга йўналтирилишини таъминлаш ва табиий заҳираларни асраб-авайлаш жараёнини кучайтириш; мамлакатимиз экологик муаммоларни ҳал этишда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли “2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳитни сифатли ҳолатининг кафолатланган даражасига эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий усулларини такомиллаш-тириш ва жорий қилиш, экология устуворликларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, жумладан, экоинновацияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан мамлакатнинг барқарор ривожланишига эришишга кўмаклашувчи шарт-шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Ушбу концептуал хулосадан келиб чиқиб, барқарор иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ва амалга ошириш механизмини ишлаб чиқишда бир қатор муҳим хусусиятларни эътиборга олишимиз керак.

Жаҳон иқтисодиётининг баъзи бир таҳдидлар ва муаммолар қаторида янги ривожланиш модели шакллантириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда. Маълумки, мустабид даври сиёсати экологик муаммоларга эътибор қаратмади. Бунинг натижасида Орол денгизи фожиаси билан бирга бир қатор экологик таҳдидлар юзага келди [3].

Европа Ижтимоий Ёрдам Қўмитасининг маълумотларига кўра, биргина 2010 йилда кўплаб иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган турли табиий офатлар оқибатида кўрилган иқтисодий зарар 180 млрд. АҚШ долларини ташкил этган [4].

Шу билан бирга, жаҳон ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажми атроф-муҳитнинг инсон фаолияти натижалари билан курашиш имконияти қисқариб бормоқда. Экотизимнинг катта қисми инсонлар томонидан хаддан ташқари кенг фойдаланилмоқда.

Дунёда содир бўлаётган ва ривожланиб бораётган табиий жараёнлар экологик таҳдидлар билан бевосита боғлиқлиги эътироф этилмоқда.

Ушбу салбий оқибатни олдини олиш мақсадида иқлим ўзгариши ва глобал исишга қарши кураш механизмини яратиш ва дунё мамлакатлари билан муштараклик асосида фаол ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Агар халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган бир қатор битимлар (Киото протоколи ва унинг асосида тузилган бошқа бир қатор битимлар) амалга оширилмаса, ушбу газнинг атмосферадаги улуши 2100 йилга келиб ортиб кетиши таъкидланмоқда [5]. Бу дегани, янада кўпроқ исиш ва янада кўплаб салбий ҳодисалар деганидир.

Натижада иқлим ўзгаришлари остида рўй бераётган жараёнлар ва улар экотизимни мослашиш тезлигидан юқори эканлигидан далолат бермоқда. Айнан шунинг остида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги ёндашувларини ривожланишига эҳтиёж орта бошлади. Изланишлар натижасида иқтисодиёт ва жамиятни салбий ўзгаришларга бардош турадиган ҳамда уларнинг оқибатларидан тезда тиклана оладиган барқарор ривожланиш концепциясини, барча турдаги ресурслардан (сув, энергетика ва бошқ.) самарали фойдаланиш масалаларини биринчи ўринга чиқарди.

Янги ривожланиш моделини шаклланиш жараёнида барқарор ривожланиш парадигмасини эволюцияси «яшил» иқтисодиёт концепциясини яратилишига сабабчи бўлди ва жамият ҳамда иқтисодиёт табият тизимлари билан бирга ҳамоҳанг тарзда бўлиши қайд этила бошланди [6].

Натижада жаҳон ҳамжамияти томонидан «Бизнинг умумий келажагимиз» [7], «21 аср учун кун тартиби» [8] ҳужжатлари қабул қилинди ва БМТнинг Рио-де-Жанейрода «Атроф-муҳит ва ривожланиш» мавзусида конференция натижалари эълон қилинди ва тегишли чоратадбирлар амалга оширила бошланди, «Глобал яшил янги курс» концепцияси таклиф этилди ва унинг асосий мазмуни инвестицияларни кам углеродли иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтириш ва рағ-

барлантиришга, экологик тоза технологияларни жорий этишга ва экологик талабларга жавоб берадиган транспорт воситаларини яратишга ва қўллашга, энергосамарадорликни таъминлашга ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ маслаларни ҳал этишга қаратилди [9].

Назарий ва амалий жиҳатдан, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит деградацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳозирги даврда иқтисодиёт соҳасида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири ҳисобланади.

Назарий ва амалий жиҳатдан, иқтисодий ўсиш ва атроф-муҳит деградацияси ўртасида ўзаро боғлиқлик ҳозирги даврда иқтисодиёт соҳасида энг кўп муҳокама қилинадиган мавзулардан бири ҳисобланади. Илмий ва жамоат музокараларида, кўпинча, иқтисодий фаровонлик ўсиши атроф-муҳит деградацияси ҳисобига рўй бериши ҳақида фикр билдирилади.

Атроф-муҳит деградацияси иқтисодий ўсишга чизиқли бўлмаган боғлиқлигига бағишланган кўп сонли ишлар бунинг исботи бўлиб хизмат қилади. Ушбу боғлиқлик Кузнец экологик эгри чизиғи назарияси доирасида ўрганилади (бундан кейин – КЭЭЧ).

Г. Гроссман (G. Grossman) ва А. Крюгер (A. Krueger) атроф-муҳит ифлосланиши ва иқтисодий ўсиш ўртасида ўзаро боғлиқликни таърифловчи ағдарилган U–симон эгри чизиқни таклиф қилди (Кузнец экологик эгри чизиғи – КЭЭЧ) [10].

КЭЭЧ концепцияси асосида иқтисодий ўсиш рўй бергани сари индустриал ривожланишнинг дастлабки босқичларида атроф-муҳит деградацияси рўй беради, сўнг, маълум бир нуқтадан бошлаб, бундан кейинги иқтисодий ўсиш атроф-муҳит ҳолати яхшиланишига олиб келади, деган тасарруф ётади.

С. Михалищев ва Ю. Раскинанинг тадқиқотларида КЭЭЧ мавжудлигини тушунтиришга ҳаракат қиладиган бир нечта йўналиш очиб берилган [11]. Улардан бири миқёс самараси, тузилмавий самара ва технологик самара каби механизмларнинг таҳлилидан иборат.

Мазкур йўналишни тушунтирадиган ушбу назариянинг моҳияти шундан иборатки, иқтисодиёт ўсгани сари ишлаб чиқариш тузилмаси аввал аграр ишлаб чиқаришдан индустриал ишлаб чиқариш томонга бурилади, бунда ифлосланиш ҳажми катта бўлади, кейин эса ишлаб чиқаришнинг постиндустриал ривожланиш босқичига ўтиб, ифлосланиш даражаси пасая бошлайди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини оширадиган технологиялар ривожланиб, бу ҳам атроф-муҳитга юкнинг камайишига олиб келади. Юқори технологияли ишлаб чиқариш ишлаб чиқаришнинг ҳажмини қисқартирмасдан туриб, ифлосланти-

рувчи моддалар чиқидисини қисқартириш учун имкон беради, дея таъкидлайди Т. Панаятоу (T.Panayotou) [12].

Маълумки, экологик таҳдидлар қаторида, иқлим ўзгариши жаҳоннинг жиддий муаммолар сифатида тан олинмоқда ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда. Илмий-тадқиқотлар натижаларига кўра, Ер куррасида иқлим ўзгариб бормоқда ва жаҳон илмий ҳамжамияти якдиллик билан унинг сабабларининг асосийси деб инсон фаолиятини кўрсатмоқда ва бу ўзгаришдар тезлашиб хавфли тус олмоқда деб таъкидланмоқда [13].

Метеорологик кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўртача ҳарорат ер куррасида ўсиб бормоқда. Ҳароратни ошиши ҳозирга келиб яққол сезилмоқда, мисол учун ҳаддан ташқари иссиқ ёз мавсуми бир қатор мамлакатларда кузатилмоқда, эсктремал табиий воқеалар сони кўпайиб бормоқда, музликларнинг эриши тезлашмоқда. Ҳароратни кейинчалик ҳам кўтарилиши, Н. Стернни (N. Stern) фикрига кўра, бир қатор жиддий оқибатларга олиб келишини мутахассислар башорат қилмоқдалар [14].

Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг маълумотларига кўра, ҳароратни индустриал давридан олдинги даражасидан 2°C ошиб кетиши жуда жиддий салбий оқибатларга олиб келиш эҳтимоли юқори ҳисобланмоқда [15].

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсири иқтисодиётнинг бир қанча соҳаларига, айниқса, қишлоқ хўжалигига катта зарар етказиши мумкин ва экин ва қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини камайтириши мумкин [16].

Ҳарорат кўтарилишининг иситиш ва совутиш учун энергияга бўлган талабга таъсири ҳам ўзгариши мумкин. 2030 йилга келиб, ҳарорат кўтарилиши иситиш мавсумининг ўртача муддати 1971–2000- йилларга нисбатан 8-9%га қисқаришига олиб келиши мумкин. Совутиш мавсуми муддати эса 2030-йилга келиб 16% га узаяди, бу, ўз навбатида, ҳаво кондиционерларидан фойдаланишнинг ортиши ҳисобига энергия сарфлашга таъсир қилади [17].

Ушбу вазиятда, миллий энергетика сиёсати ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ чоралар минтақа мамлакатларининг диққат-марказида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш турибди. Шу туфайли энергия самарадорлигини оширишни рағбатлантириш ва унинг тикланадиган манбаларидан фойдаланиш асосий вазифлардан ҳисобланмоқда [18].

Иқлим ўзгариши, кутилганидек, кўпроқ экстремал об-ҳаво ҳодисалари ва иқлим билан боғлиқ таҳдидлар (масалан, сув тошқинларининг кўпайиши, қуруқ қиш боис давомли қурғоқчилик, сув танқислигига олиб келади.

Натижада, иқлим ўзгариши суғориш мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган сув ресурслари ҳажмининг қисқариши ва, ўз навбатида, етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлар миқдорининг чекланишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгариши ва ҳарорат ошиши нафақат экологик вазиятга салбий таъсир ўтгазади, балки озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади: ҳосилдор ерлар ҳолати ўзгаради, биодиверсификация аста-секин камайиб боради, экинларнинг табиий ўсиш ва чорва молларнинг яшаш жойлари ўзгаради, натижада ҳосилдорлик пасайиши, озиқ-овқат экспортининг камайиши ва импортининг ортиши, об-ҳаво билан боғлиқ суғуртанинг ортиши, сув сероб ҳудудларга янги ирригация соҳасидаги инвестицияларга талаб кўпайиши, озиқ-овқат таклифи ва нархлари ҳамда озиқ-овқатдан келадиган даромаднинг беқарорлиги кузатилиши мумкин бўлади.

Глобал иқлим ўзгариши нафақат экологик вазиятга салбий таъсир ўтказади, балки озиқ-овқат хавфсизлигига ҳам таҳдид солади.

Бу борада иқлим ўзгаришига адаптация қилиш (мослашиш) масалалари замонавий иқлим сиёсатининг муҳим бўлаги деб ҳисобланмоқда ва бир қатор молиявий қўллаб-қувватлаш ва институционал чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

глобал экологик жамғарма (ГЭЖ - GEF) фаолият юрита бошлади;

ГЭЖнинг Траст фонди (GEF Trust Fund) ҳар йили иқлим ўзгариши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш учун 50 млн. АҚШ долларини ажратиш бўйича қарор қабул қилинди;

махсус иқлим ўзгариш жамғармаси иқтисодий диверсификациялаш ва технологик алмашувни йўлга қўйиш учун ихтисослашган;

паст даражада ривожланган мамлакатларнинг иқлим ўзгаришга мослашиш миллий стратегияларини яратиш ва жорий этиш мақсадида 115 млн.доллар миқдорида молиявий ресурсларга эга бўлиш имконияти яратилди [19].

Экологик муаммоларни ҳал этишда нафақат миллий чора-тадбирлар, балки минтақа доирасида ҳаракат қилиш зарур аҳамият касб этади.

Марказий Осиё минтақасидаги атроф-муҳитга алоқадор муаммоларни ечишнинг миллий дастурларида минтақада экологик хавфсизликни таъминлаш билан биргаликда экологик рисклар юқори бўлган жабҳаларда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, минтақада экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар прогнози самарадорлигини ошириш, минтақадаги мамлакатларнинг минерал ва сув-энергетик ресурслардан фойдаланиш борасидаги қизи-

қишларини таъминловчи ва тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборатдир [20].

Экологик муаммоларни ҳал этишда нафақат миллий чора-тадбирлар, балки минтақа доирасида ҳаракат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, бундай муммоларнинг ечими сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин бўлади:

ноанъанавий энергетика тизимини ривожлантириш орқали иқтисодий самарадорлик муаммоси ечилади; атроф-муҳитга кўрсатилаётган салбий таъсир камайтирилади; углерод икки оксиди ва унинг эквивалентларини ажратувчи, чекланган энергия манбаларига боғликлик камайтирилади;

кўпгина мамлакатларда синалган шамолдан электр энергияси олиш механизми, шамол тезлиги ўртача бўлган минтақаларда жуда самаралидир;

қайта тикланувчи энергоресурслари станциялари иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнес учун жуда қулай бўлиб, тоғли ҳудудлардаги шамол ва сув ресурсларидан ҳосил қилинган бундай энергия туфайли ишлаб чиқаришдаги маҳсулот таннархи 50 фоизга арзонлашади;

қайта тикланувчи энергоресурсларнинг ривожлантириш стратегияси мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли “2013–2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида”ги қарорида атроф-муҳитни сифатли ҳолатининг кафолатланган даражасига эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг самарали иқтисодий усулларини такомиллаш-тириш ва жорий қилиш, экология устуворликларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, жумладан, экоинновацияларни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан мамлакатнинг барқарор ривожланишига эришишга кўмаклашувчи шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Мазкур шароитда инновацион ўсиш омилларига уни амалга оширишнинг экологик норма ва механизмларига таяниш, мамлакат иқтисодиётида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича турли секторларни ташкил қилиш, экспортнинг илм сиғимли маҳсулот томонига қаратиш киради.

Бу борада, экоинновацияларга бўлган талабни қўллаб-қуввалаш учун чора-тадбирлар ва инструментларни ишлаб чиқиш ва жорий

қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу мақсадда, экологик инновацион сиёсатнинг (*environmental policy mix*) муҳим инструментлари қуйидагилар ҳисобланади: салбий экологик таъсир учун тўловлар, иссиқхона газларини чиқариш учун рухсатлар савдоси, экологик хавфли ишлаб чиқариш объектларини суғурталаш, давлат харидлари, тартиблаштириш чоралари, экологик стандартлар тизими ва бошқалар киради.

Шу тариқа, яшил ўсиш стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти бўлиб, унинг экоинновацияларга таянганлиги ҳисобланади. Халқаро экспертлар томонидан экологик инновацияларга талабни қўллаб-қувватловчи инструментлар таркиби бўйича "инновацион парадоксни" ҳал қилишга қодир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Маълумки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (ИҲРТ) 2012 йил тавсиялари мутахассислар томонидан илгари сурилаётган инновацияларга талабларни турфа хил инструментлардан фойдаланган ҳолда, қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни умумлаштирди.

Уларда "инновацион парадокс" (*«innovation paradox»*) муносабати билан инновацион талабнинг ролига алоҳида эътибор қаратилди. Умуман, ИҲРТнинг қатор мамлакатларида, инновацияларнинг натижадорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган доимий саъй-ҳаракатларга қарамасдан, амалда иқтисодиёт инновационлилиги паст даражаси кузатилган эди [21].

Муаммонинг ушбу жиҳати экологик муаммоларга нисбатан аҳамиятини қатор халқаро рейтинглар маълумотлари ҳам тасдиқлайди, жумладан, улардан энг нуфузлиларидан бири – Соф технологиялар глобал индекси (The Global Cleantech Innovation Index). Мазкур индексни шакллантиришда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида инновациялар билан шуғулланувчи компаниялар қайси мамлакатларда энг фаол ҳаракат қилиши ва уларнинг маҳсулоти қандай қилиб бозорда ўз ўрнини топиши масаласини тадқиқ қилади.

Мамлакатимиз ривожланиш дастурларида экологик вазиятни яхшилаш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, ривожланишни жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда экологик омилларни эътиборга олиш ва иқлим ўзгаришнинг аҳамияти таъкидланади ва амалий ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Антропоген-техноген омилларни кучайиб бориши янги тенденцияни кашф этмоқда: барча иқтисодий субъектлар экологик таҳдидларни бартараф этиш учун сарфланаётган харажатларни эътиборга олишлари зарур бўлмоқда. Борган сари жаҳонда иқтисодий ўсиш билан биргаликда экологик харажатлар ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида

атороф-муҳит муаммолари билан боғлиқ бўлган харажатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг камида 4-6 % ташкил қилмоқда [22].

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш янги моделини яратиш ва татбиқ этишда, мамлакатларнинг модернизация жараёнларини жадаллаштириш билан боғлиқ тадқиқотларда глобал экологик ўзгаришлар ҳисобга олинмоқда ва "камуглеродли жамият" шаклланиши устивор мақсад этиб қўйилмоқда.

Шуни инобатга олган ҳолда, БМТ нинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича комиссияси техноген ўсишнинг альтернативаси сифатида "Барқарор ривожланиш" концепциясини ишлаб чиқди. Унинг бош ғояси – атроф-муҳитга зарарсиз бўлган иқтисодий ўсишни таъминлашдир.

Авваламбор, мамлакатлар ўз ҳудудида углерод чиқимлари миқдорини камайтириш учун фаол ҳаракатлар амалга оширишлари зарур ва янада муҳимроқ жиҳати – бу инновация ва янги технологияларга талабни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирнинг ўзида экотизимларга қўшимча оғирлик яратмасдан туриб, озиқ-овқат билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигини ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак. Узоқ муддатли, кенг қамровли ва комплекс бошқарув, самарали иқтисодий тизим ҳамда тез мослашувчан чора-тадбирлар асосида озиқ-овқат, биоэнергия, гидроэлектроэнергияга бўлган ўсиб борувчи талабни қондириш билан бирга биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш мумкин.

Экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича минтақавий ва миллий дастурларни амалга ошириш Марказий Осиёда стратегик барқарорликни таъминлашда, мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида ва минтақада яшовчи аҳоли учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Ушбу шароитда, биринчидан, катта эътибор "экологик инновация"ларга қаратилиши лозим, яъни ишлаб чиқариш, маҳсулот яратишда илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари, шартлари ва бошқарувида ҳамда бизнес юритиш усулларида атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ёки ресурслардан оптимал фойдаланишдир [22].

Иккинчидан, экологик инновациялар Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида туртки ва ушбу вазиятда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашда муҳим омил бўлиши мумкин.

Учинчидан, ривожланишнинг янги модели иссиқхона газларини камроқ ажратадиган технологияларни талаб қилаяпти. Бундай аҳволни яхшилаш учун экологик инновациялар натижасида электр энергиясига

бўлган талабни альтернатив ва қайта тикланувчи энергияларни қўллаш доирасини кенгайтириш, атмосферани зарарловчи турли газларнинг миқдори экоинновациялар ва олиб борилаётган “яшил бизнес” ҳисобига камайтириш катта аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, Марказий Осиё минтақасидаги атроф-муҳитга алоқадор муаммоларни ечишнинг миллий дастури экологик хавфсизликни таъминлаш билан биргаликда экологик тахдидлар юқори бўлган жабҳаларда экотизимнинг комплекс ва локал қайта тикланишини таъминлаш, минтақада экотизим мониторинги ва экологик жараёнлар прогнози самарадорлигини ошириш, минтақадаги мамлакатларнинг минерал ва сув-энергетик ресурслардан фойдаланиш борасидаги манфаатларини таъминловчи ва тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий базани шакллантиришдан иборатдир.

Бешинчидан, табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “кўк” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлимий ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукаммаллаштириш талаб этилади.

Олтинчидан, Марказий Осиёнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш нафақат шу ҳудудда яшовчи халқларнинг ҳаётига бевосита алоқадор балки глобал аҳамиятга ҳам эгадир. Минтақада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва модернизациялашда экологик омилини эътиборга олинишини кучайтириш, экологик тоза технологиялар, бионано-технологияларни татбиқ этиш, экоинновацияларни қўллаб-қувватлаш, муайян экологик муаммоларни ҳал қилиш борасида жамоат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотларини фаоллигини ривожлантириш устувор вазифалар деб ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш нафақат шу ҳудудда яшовчи халқларнинг ҳаётига бевосита алоҳадор, балки глобал аҳамиятга ҳам эгадир.

Еттинчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан биргаликда, бир қатор долзарб масалаларни ҳал этиш назарда тутиш зарур, шу шумладан:

- табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари ҳамда инновацион технологияларни татбиқ этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, “кўк” инвестицияларни жалб қилиш ва иқлимий ўзгаришларга мослашиш учун тегишли иқтисодий механизмлар яратиш масалалари бўйича қонунчиликни мукаммаллаштириш;

- экологик солиқларни такомиллаштириш ва экологик талабларни ҳисобга олган ҳолда давлат томонидан харид қилиш ва “яшил” инвестицияларни амалга ошириш воситасида “яшил”(экологик тоза) технологияларни ривожлантириш учун янги молиявий воситаларни жорий этиш;

- атроф-муҳит сифатини тиклаш ёки сақлашга ёрдам берадиган янги иш ўринларини яратишга қаратилган иқтисодий соҳаларни ва корхоналарни қўллаб-қувватлашни таъминлаш ва бошқалар.

Адабиётлар

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning mamlakatimizni 2015-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2016-yilga mo‘ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo‘nalishlariga bag‘ishlangan vazirlar mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruzasi. http://www.press-service.uz/uz/news/5226/

2. Узбекистан поддерживает цели устойчивого развития ООН до 2030 года. http://www.trend.az/casia/uzbekistan/2438516.html

3. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // “Халқ сўзи” рўзномаси, 2010 йил 22 сентябрь.

4. http//climatenews//economic impacts of climate change//BBC News.com

5. The World Bank. “Development for climate change”. Washington. Annual Report. 2010. – P. 4.

6. Перелет Р.А. Направления стратегии “зеленго роста” //http://rospromeco.com/expertnoe-mnenie/28-analytic/expertnoe-mnenie/94-mnenie-7

7. «Наше общее будущее». Доклад Международной комиссии по окружающей среде и развитию (МКОСР): Пер. с англ./Под ред. и с посл. С.А.Евтеева и Р.А.Перелета. – М.: Прогресс, 1989.

8. Повестка дня на 21 век. ООН, 2002 г. www.un.org/russian/conferen/wssd/agenda21/

9. Глобальный зеленый новый курс. Доклад, ЮНЕП, 2009 www.unep.org/greeneconomy/portals/30/docs/GGND-policy-brief_Russian.pdf

10. Grossman G. M., Krueger A. B. Environmental impact of a North American Free Trade Agreement // NBER Working paper, 3914. 1991.

11. Михалищев С., Раскина Ю. Экологическая кривая Кузнеца: случай России. https://eu.spb.ru/images/ec_dep/wp/Ec-03_15.pdf

12. Panayotou T. Empirical tests and policy analysis of environmental degradation at different stages of economic development // Geneva, Switzerland: International Labour Office, Working Paper, WP238. 1993.

13. IPCC (2007). Climate Change 2007: The Physical Science Basis: Summary for Policy Makers. Paris: IPCC, WMO., 2007.

14. Stern, N., and others, The Economics of Climate Change. 2006. http://www.hm-treasury.gov.uk/independent_reviews/stern_review_economics_climate_change/stern_review_report.cfm.

15. Банури Т., Опшоор Х. Изменение климата и устойчивое развитие. Рабочий документ № 56 Департамента ООН по экономическим и социальным вопросам (DESA). ST/ESA/2007/DWP/56. Октябрь 2007 г. С. 4.

16. Sutton, WilliamR., JitendraP. Srivastava, JamesE. Neumann, PeterDroogers, andBrentB. Boehlert. Reducing the Vulnerability of Uzbekistan's Agricultural Systems to Climate Change: Impact Assessment and Adaptation Options. World Bank Study. Washington, DC: World Bank. 2013.

17. Второй национальный доклад Республики Узбекистан о выполнении Рамочной конвенции ООН об изменении климата, 2008 г.

18. Deichmann, Uwe, and FanZhang. 2013. Growing Green: The Economic Benefits of Climate Action. World Bank. 2013.

19. http:/www.gefweb.org

20. Isadjanov A. Central Asia: Ecological Threats and Priorities of the Regional Cooperation. «Environmental Security and Eco-terrorism», NATO Science for Peace and Security, NATO Advanced Research Workshop. Moscow, April 27–29, 2010.

21. OECD «Science, Technology and Industry Outlook. 2012» (STI OECD, 2012. – P. 170).

22. Пискулова Н.А. Развитие мировой экономики: экологический вектор // Мировая экономика и международные отношения. – М., 2010. № 12.

А.М. Абдусаттаров

Жаҳон конституционализмида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги ваколатлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлили

Жаҳон мамлакатларида маҳаллий давлат ҳокимият органларининг экология соҳасидаги ваколатлари хилма-хиллиги билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти асосларига XXI боб бағишланган бўлиб, унинг 100-моддасида маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига олтита муҳим масалалар киритилган, хусусан, улардан бири бу – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласидир. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конституциявий ваколатлари доирасига атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг киритилиши муҳим ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳамда мазкур органлар зиммасига юксак масъулият юклайди [3, 8].

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари муҳим ўрин тутади. Деярли барча ривожланган ва ривожланаётган давлатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари учун масъулдирлар. Шубҳасиз, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорликдаги табиатни муҳофаза қилиш фаолиятисиз ижтимоий-иқтисодий вазифаларни муносиб тарзда ҳал қилиш, қулай атроф-муҳит ҳолатини ва биологик хилма-хилликни сақлаш, атроф-

А.М. Абдусаттаров, *Тошкент давлат юридик университети катта илмий ходим изланувчиси*

Деярли барча мамлакатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари учун масъулдирлар.

муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш ва экологик хавфсизликни таъминлашга эришиб бўлмасди [1, 5].

Ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда бу борада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ваколатлари доирасида тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик доирасида қулай атроф-муҳитни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни сақлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича кенг имконият ва мажбуриятларга эгалиги тан олинади [2, 4, 6, 7].

Шу билан бирга, турли давлатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экология соҳасидаги ваколатлари ушбу давлатларда давлат ҳудудий тузилиши ва бошқарув шаклига, тарихий ривожланиши, анъаналари, қадриятларига боғлиқ ҳолда турли ҳажмда эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Хусусан, 150 дан ортиқ хорижий давлатлар конституцияларини [9] таҳлил қилиш асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги конституциявий ваколатлари турли даража ва ҳажмда эканлиги аниқланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ушбу соҳадаги ваколатларини қуйидагича тизимлаштиришимиз мумкин:

Биринчи – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиий ресурслар ва уларни бошқариш, фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари. Масалан, ушбу органлар ваколатига Андорра Конституцияси табиий ресурсларни (80-модда); Малайзия Конституцияси ерни (IV боб, 83–91-моддалар); Эрон Ислом Республикаси Конституцияси табиий ресурслардан фойдаланишни (45-модда); Мозамбик Конституцияси барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашишни (90-модда); Танзания Конституцияси эса, минерал ёқилғи, тозаланмаган нефть ва табиий газни (биринчи рўйхат); Палау Республикасининг 1981 йилда қабул қилинган Конституцияси эса, тегишли ҳудуддаги барча органик ва ноорганик ресурсларга нисбатан мутлақ мулк ҳуқуқини, албатта, чегарадан 12 денгиз милидан ортиқ масофага кўчиб юрадиган балиқлар бундан истиснодир (1,2-модда); Канада Конституцияси қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни эксплуатация қилиш, қайта тикланмайдиган табиий ресурсларни, табиий ва ўрмон ресурсларини қайта ишлаш, сақлаш ва фойдаланишни (92А-модда); Конго Конституцияси ўрмон ва сув режими, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий объектлар, ландшафтлар ва маҳаллий жойларни эҳтиёт қилишни (203-модда); Гонконг Конституцияси атроф-му-

ҳитни муҳофаза қилиш учун ҳақ тўлашни (14, 119-моддалар); Гондурас Конституцияси муниципал ҳудудда жойлашган табиий ресурслардан фойдаланиш ёки қазиб олишни (301-модда); Макаонинг 1993 йилги Асосий Қонуни ер участкалари ва табиий ресурсларни бошқариш, фойдаланиш ва ривожлантириш, уларнинг ижараси, ушбу муносабатлардан оладиган даромади, атроф-муҳитни тозалаш, рекреацияни (7, 95, 119-моддалар), Судан Конституциясининг 111-моддаси ер, табиат ва ҳайвонот дунёсини, Ҳиндистон Конституцияси еттинчи иловасининг 2-рўйхати балиқчилик, ер ости ишларини ва фойдали қазилмалар қазиб олишни, газ ва шу соҳадаги заводларни тартибга солишни, ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни тартибга солишни, Малайзиянинг 1957 йилги Конституцияси ер билан боғлиқ ҳуқуқлар, ер мулкдори ва ижарачиси ўртасидаги муносабатлар, ерга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш, ерларни ўзлаштириш, яхшилаш ва тупроқни сақлаш, ерларни бериш, ипотека, ижара ва ер билан боғлиқ сарф-харажатлар (Малайзия Конституциясининг 166-моддаси, 9-илова, 2-рўйхат), Жанубий Судан Конституциясида ерни бошқариш, ижара ва фойдаланиш, табиий ресурсларни, ўрмонларни ривожлантириш, сақлаш, оқилона фойдаланиш, ифлосланиш устидан назорат қилиш (Судан Конституциясининг 41-моддаси, В рўйхат), РФ Конституцияси РФ ва унинг субъектларининг биргаликдаги ваколатларига ер, ер қаъри, сув ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, табиатдан фойдаланиш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ер, сув, ўрмон, ер қаъри, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги (72-модда) каби масалаларни киритади.

Иккинчи – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига Бразилия Конституциясида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ифлосланишга қарши курашиш ва назорат қилиш, ўрмон, флора ва фаунани сақлаш, ов қилиш, балиқ овлаш, атроф-муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарлик (23, 24, 25, 26, 43, 170-моддалар); Шри-Ланка (154А-моддаси), Чад (210-модда), Мозамбик (90-модда), Сербия (74-модда), Макао (7, 95, 119-модда), Ҳиндистонда (Конституция еттинчи иловасининг 2-рўйхати) эса, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш (ҳимоя қилиш); Мадагаскарда яшаш муҳитини яхшилаш (135-1-модда); Туркманистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш (Туркманистон Конституциясининг 86-моддаси); Покистон Ислом Республикасида экология (1973 йилги Конституциясининг 70-моддаси); Ҳиндистонда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муомаланинг олдини олиш, ёввойи ҳайвон ва қушларни муҳофаза қилиш, ўрмон, ерларни яхшилаш, ер ис-

лоҳотларини ўтказиш, ерларни сақлаш (Ҳиндистон Конституция еттинчи иловасининг 2-рўйхати); Мадагаскарда атроф-муҳитни бузишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши курашиш учун зарур чораларни қабул қилиш (1992 йилги Конституциясининг 35-моддаси); Испания атроф-муҳит соҳасида бошқарув (148-модда); Швейцарияда табиатни ва она ўлкани муҳофаза қилиш (1999 йилги Конституциянинг 78-моддаси); Жанубий Суданда атроф-муҳитни, ёввойи табиатни, ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва сақлаш (41-модда В рўйхат); Угандада табиий ресурсларни сақлашни таъминлаш биологик хилма-хилликни кафолатлаш ва муҳофаза қилиш мақсадида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш (Конституциянинг XXVII бўлими), Буюк Британияда жамиятда иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт шароитларини таъминлаш ва яхшилаш, шунингдек, тегишли ҳудудда атроф-муҳитни сақлаш мақсадида фаровонликка кўмаклашиш стратегиясини ишлаб чиқиш (Буюк Британиянинг 2000 йилдаги "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида"ги Қонунининг [Local Government Act] 4-моддаси), Украинада ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг давлат ва ҳудудий дастурларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини бажариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдан оқилона фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш (119, 138-модда), Россия Федерациясида РФ ва унинг субъектларининг биргаликдаги ваколатларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш (72-модда) каби масалалар киритилган.

Учинчи – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиий ҳодисалар, ҳудудни режалаштириш ва экологик хавфсизлик соҳасидаги ваколатлари. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига шунингдек, табиий офатлар, ер ва кончилик, аҳоли учун хавфли бўлган эпидемия ва эпизоотияларнинг олдини олиш, ҳудудни режалаштириш (Конго Конституциясининг 203-моддаси); табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш (Гонконг Асосий Қонунининг 14-моддаси); ўсимликларни турли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, ҳайвонларни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни йўқ қилиш, ҳавони ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шовқинга қарши курашиш (Германия Конституциясининг 74(1)-моддаси) кабилар ҳам киритилади. Шунингдек, Хорватия Низомининг 128 и 129(а)-моддаларида ҳудудни ободонлаштириш ва режалаштириш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш, Ҳиндистон Конституцияси еттинчи иловасининг 2-рўйхатида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, санитария ҳам маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига киритилган.

Тўртинчи – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг энергетика соҳасидаги ваколатлари. Бир қатор давлатлар конституцияларида

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига хўжалик масалалари, хусусан саноат, кончилик, энергтика, ҳунармандчилик, савдо, ядро энергетикасидан тинчлик мақсадида фойдаланиш ва ишлаб чиқариш, озиқ-овқат таъминоти (Германия Конституциясининг 74(1)-моддаси), энергетика режими, ўрмон хўжалиги, йилқичилик, озиқ-овқат маҳсулотлари (Конго Конституцияси 203-моддаси), электроэнергия ишлаб чиқариш (1973 йилги Покистон Ислом Республикаси Конституцияси 70-моддаси), сув омбори ва гидроэнергетика, ноанъанавий энергия манбалари (Ҳиндистон Конституцияси еттинчи иловаси 2-рўйхати), электр энергияси объектлари ва ресурсларидан фойдаланиш (Судан Конституциясининг 111-моддаси), энергетика сиёсати (Жанубий Судан Республикаси Конституциясининг 41-моддаси, В рўйхат) кабилар киритилган.

Бешинчи – маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва уй-жой соҳасидаги ваколатлари. Бир қатор давлатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига қишлоқ ва ўрмон хўжалигига кўмаклашиш, озиқ-овқат таъминоти, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларини олиб кириш ва чиқиш, балиқчилик, ер участкалари билан боғлиқ битимлар, қишлоқ хўжалигида ижара, уй-жой ва аҳоли пунктлари (Германия Конституциясининг 74(1)-моддаси); қишлоқ хўжалиги, ветеринария, сув таъминоти, ирригация ва мелиорация, ер ва ерга бўлган ҳуқуқлар, ер ижараси, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бериш ва олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ерларини яхшилаш, ердан даромад олиш, қишлоқ ва кончиликдаги солиқ ва тўловлар (Ҳиндистон Конституцияси еттинчи иловасининг 2-рўйхати); қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик, тошбақачилик ва балиқчилик (Малайзиянинг 1957 йилги Конституциясининг 166-моддаси, 9-илова, 2-рўйхат), ҳудудни ободонлаштириш, урбанизм ва турар-жой, деҳқончилик ва чорвачилик, ўрмон ва ўрмон хўжалиги, гидротехник иншоотлар, канал ва ирригация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда фойдаланиш, балиқчилик, аквакультура, балиқ овлаш (Испания Конституциясининг 148-моддаси), иригация ва суғориш (Жанубий Судан Республикаси Конституциясининг 41-моддаси, В рўйхат), ҳудудий ва урбанистик тартибот, турар-жой, парк ва боғлар, майдон, курорт ва бошқа дам олиш жойлари (Венесуэла Конституциясининг 178-моддаси), парк, қўриқхона, дам олиш жойларини яратиш ва ривожлантириш (Уганда Конституциясининг XXVII бўлими) каби ваколатлар ҳам юкланган.

Гувоҳи бўлганимиздек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва таъминлашда ҳамда экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал ваколатларга эгадир. Дунёнинг турли давлатларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ва экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим ижтимоий-сиёсий ва социал ваколатларга эгадир.

ваколатлари ҳажми ва табиати, асосан, ушбу давлатларда давлат тузилиш шакли билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, федератив давлатларда (Германия, Малайзия, Ҳиндистон, Бразилия, Россия Федерацияси, Жанубий Судан ва бошқ.) маҳаллий ҳокимият органларининг барча соҳалар, шу жумладан, атроф-муҳит соҳасида ҳам ваколатлар доираси анча кенг бўлади ва бу уларнинг федерация субъекти сифатидаги ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқади ва англашилади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси учун ижобий тажриба сифатида қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суришимиз мумкин:

Биринчидан, хорижий мамлакатларда “барқарор ривожланиш” концепцияси умумэътироф этилаётганлиги муносабати билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳудудларни “ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш”га эмас, балки бевосита “барқарор ривожлантириш”га ҳаракат қилишлари тўғрисидаги қоидани белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шу муносабат билан, юқоридаги Қонуннинг 24-25-моддаларидаги “ижтимоий-иқтисодий ривожланиш” сўзларини “барқарор ривожланиш” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ. Чунки, “барқарор ривожланиш” экологик мазмунга эга бўлиб, ҳудуднинг экологик хавфсизлик ҳолатини, ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олади ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий экологик тизимлар қайта тикланиши билан мутаносиб ҳолда бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, демократик ислоҳотларнинг муҳим йўналиши сифатида номарказлаштириш сиёсатини давом эттирган ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, хусусан, уларнинг муқобил энергия манбалари, ерларни яхшилаш ва ер ислоҳотларини ўтказиш соҳасидаги аниқ вазифаларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини оқава сувларни тозалаш, санитар ҳолатни таъминлаш, соғлиқни сақлаш, кўкаламзорлаштириш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни йўқ қилиш (Польша), чиқиндиларни қайта ишлаш, саноат чиқиндилари устидан назорат қилиш, парк, хиёбон ва яшил майдонларни ташкил этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш режаларини тасдиқлаш (Латвия), ер, сув, ўрмон,

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат экологик назоратини амалга ошириш, радиациявий хавфсизликни таъминлаш (Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси), қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашиш, ҳудуддаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахсларни ҳудуддаги экологик ҳолат ва вазият тўғрисида хабардор қилиш (Беларусь Республикаси), атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш (Беларусь Республикаси, Қирғизистон Республикаси) кабиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Тўртинчидан, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда ишлаб чиқишда маҳаллий ижроия ҳокимият органларининг ҳар бир бўғинининг (вилоят, шаҳар ва туман даражасида) ваколатлари алоҳида-алоҳида белгилаб қўйиш (Беларусь Республикаси); вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларига номзодларга қўйилган талабларни белгилаш, халқ депутатлари Кенгашлари раиси ўринбосари лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ (Қирғизистон Республикаси).

Бешинчидан, ўтган даврда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳамда вазифаларининг доираси кенгайтирилиб, уларга тегишли вазифа ва ваколатлар Ўзбекистон Республикасининг 100 га яқин қонунларида мустаҳкамлаб қўйилди. Эндиликда ана шу қонунлар меъёрларини инвентаризациядан ўтказиб, туркумлаштирган ҳолда Қонунда ифодалаш мақсадида Қонуннинг "Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари" деб номланган VI бобини янги таҳрирда баён этиш зарур.

Адабиётлар

1. Анисимов А.П., Алексеев А.П. К вопросу о понятии и содержании экологической функции органов местного самоуправления // Государственная власть и местное самоуправление. – 2003. – №1. – С. 18 – 20.

2. Воссина А.Е., Кустикова М.А. Роль органов местного самоуправления в реализации экологической политики предприятия // Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент». – 2015. – №2. – С.294.

3. Исмаилова Г. Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини либераллаштиришнинг давлат-ҳуқуқий йўналишлари / =Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. – Тошкент: Akademiya, 2014. – Б. 292.

4. Кичигин Н.В., Хлуденева Н.И. Правовая охрана окружающей среды на местном уровне // Журнал российского права. – 2011. –№1. – С.63.

5. Қурбонов О. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда маҳаллий давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари ва янада такомиллаштириш муаммолари // Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари (I китоб). – Тошкент: ЎзМУ, 2011. – Б.122.

6. Рўзиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари / Масъул муҳаррир: проф. Ш.И. Жалилов. – Тошкент: Истиқлол нури, 2016. – Б. 332.

7. Тюльпанов Ф.М. Полномочия органов местного самоуправления в сфере природопользования и охраны окружающей среды // Правопорядок: история, теория, практика. – 2014. – №2(3). – С.170 – 173.

8. Ҳусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ / Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2013. – Б. 584.

9. Экологические положения конституций: сборник / Под. ред. Е.А.Выторобца; [предисл. Ю.С. Шемшученко, вступ. слово В.И. Данилова-Данильяна, интервью с С.А. Боголюбовым]. – М.-Уфа: МИРмпОС, Центр интерэкоправа ЕврАзНИИПП, 2012. – С. 385.

Л.Ў. Мингишов

Мамлакат ва минтақа иқтисодиёти халқаро рақобатбардошлигини таъминлаш назарияларининг ривожланиш асослари

Ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, сифатини ошириш, даромадни кўпайтириш бўйича рақобат бошланган бир шароитда рақобатчилик курашининг шаклланиши барча қатламларда, шунингдек, алоҳида фирмалар, мамлакатлар ёки гуруҳ-гуруҳ мамлакатлар даражасида ҳам намоён бўлмоқда. Бундай шароитларда иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга эришиш, жаҳон бозорида мустаҳкам мавқега эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Минтақа ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш масалалари, шунингдек, уни ҳаракатга келтирувчи кучларни аниқлаш доимо иқтисодчи олимларнинг диққат-эътиборида бўлиб келган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, XVIII аср охирлари мамлакат ва минтақа рақобатбардошлигининг дастлабки назариялари пайдо бўла бошлаган ҳамда қарийб 200 йилдан буён жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг турли босқичларида шаклланиб келаяпти.

Фикримизча, мамлакат ва минтақа рақобатбардошлигини таъминлаш муаммоларига оид тадқиқотлар халқаро савдо, ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш, халқаро меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш кучлари концентрацияси, ишлаб чиқаришни жойлаштириш назарияларининг шаклланиши асосида ривожланган. Мазкур назарияларни қуйидаги йўналишларга ажратиб таҳлил қилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Л.Ў. Мингишов, *ЖИДУ катта илмий ходим-изланувчиси.*

Биринчидан, XV – XVIII асрларда фаолият кўрсатган меркантилизм мактаби вакиллари томонидан миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиниши билан боғлиқ дастлабки назарий тушунчалар киритилди. Унинг энг йирик вакиллари инглиз иқтисодчилари Томас Манн (1571 – 1641) ва Уильям Стаффордлар (1554 – 1612) ҳисобланишади [1]. Меркантилистлар ишлаб чиқарилган товарлар рақобатбардошлигини оширишда унга сарфланадиган иш ҳақи даражасини пасайтириш, бунинг учун эса, аҳоли сонининг ўсиши муҳим деб, ҳисоблашган [2]. Д. Юм (David Hume, 1711 – 1776) мамлакатга олтиннинг кириб келиши орқали савдо баланси ижобий сальдосига эришилишини, мамлакатда пул таклифини ошириб, нарх ва иш ҳақи ўсишига олиб келишини, ўз навбатида, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини пасайишига олиб келиши жоизлигини қайд этади [3].

Иккинчидан, халқаро савдо назарияларига асосан, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга нисбатан халқаро меҳнат тақсимотидаги самаралироқ иштироки билан қиёсланиб аниқланади. А. Смит мутлақ афзаллик назариясини ишлаб чиқиб, ҳар бир мамлакат бошқа бир мамлакатга нисбатан айрим маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мутлақ афзалликка эга, яъни маҳсулотни бошқа мамлакатларга нисбатан кичикроқ харажатлар билан ишлаб чиқара олади, деган фикрни илгари сурди [4].

Халқаро айирбошлаш моделини ўзининг нисбий устунлик назарияси билан тўлдирган Д. Рикардо (1772 –1823) мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошлигини, маҳсулотларнинг миллий иқтисодиёт ичида ишлаб чиқариш қиймати дифференциациясининг белгиланишини асослаб берган [5]. Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатадики, миллатнинг меҳнат самарадорлиги назариялари замонавий рақобат назариялари ривожланишига асосий туртки бўлган.

Икки швециялик иқтисодчи Э. Хекшир (1879 – 1952) ва Б. Олин (1899 – 1979)нинг ишлаб чиқариш омиллари нисбатининг назарияси рақобат афзалликларидан фойдаланиб минтақа рақобатбардошлигини оширишнинг дастлабки шарт-шароитларини белгилаб беради [6]. 1953 йил америкалик олим В. Леонтьев бир нечта эмперик текширувлар орқали Хекшер-Олин назариясининг амалиётда тўлиқ бажарилмаётганлигини кўрсатиб ўтади.

Рақобат жараёнидаги эмперик тадқиқотларнинг асосий объекти саноат тармоғи ҳисобланади.

Учинчидан, рақобатбардошлик ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш назариялари

Иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш учун инсон капиталини доимий ривожлантириш ва самарали фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади.

билан боғлиқ ҳолда, рақобат жараёнидаги эмперик тадқиқотларнинг асосий объекти саноат тармоғи ҳисобланади. А. Маршалнинг (1890 йил) саноат ҳудудлари назариясига кўра, вертикал интеграциялашган заводларнинг муқобили сифатида кичик ва ўрта саноат корхоналарини ажратиб кўрсатган. А. Маршалл саноат ҳудудларининг, рақобатбардошлиги учта асосий омилга таянишини кўрсатади. Буларга, малакали ишчи кучининг умумий бозори, фирмалараро маҳаллий савдо тармоғи, маҳаллий фирмалараро меҳнат тақсимоти кабилар киради [7].

И. Тюненнинг «қишлоқ хўжалиги штандорти» назариясида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жойлаштириш қонуниятлари ишлаб чиқилган [8]. Кейинчалик ишлаб чиқаришни ҳудудий жойлаштириш ва транспорт харажатларини камайтириш билан боғлиқ рақобат устунликлари асосида минтақа рақобатбардошлигини яратиш борасидаги илмий тадқиқотлар В. Лаунхардтнинг минтақавий штандорт назариясининг асосини ташкил этган.

Мазкур йўналишдаги изланишларни А. Вебер ўзининг саноат штандорти назарияси билан тўлдирди. А. Вебер ишлаб чиқаришнинг нафақат транспорт соҳасини, балки умумий харажатларни камайтириш бўйича ҳам бир қатор масалаларини кўриб чиқди [9].

В. Кристаллернинг минтақа рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича марказий ўрин назариясининг асосий моҳияти аҳолига хизмат кўрсатиш ва товарларни сотиш ҳудудини шакллантириш, шунингдек, бозор, транспорт ва маъмурий бошқарув йўналишлари бўйича ҳудудий жойлаштириш учун қулай шароитларни яратишдан иборатдир [10].

Хўжаликни маконга оид ташкил қилиш асосида минтақа рақобатбардошлигини таъминлаш муаммосини илмий ҳал қилишга А. Лёш назарияси хизмат қилган. А. Лёшнинг хўжаликларни жойлаштириш назариясига мувофиқ иқтисодий минтақа, минтақалараро рақобат билан белгиланган чегаралардаги бозор сифатида кўриб чиқилади [11]. Шунингдек, ушбу йўналишда Н.Н. Колосовский [12], М.К. Бандман [13] каби олимлар ҳам ўз назарияларини яратганлар.

Ф. Перру ва Т. Хегерстранд иқтисодий районлаштириш ва марказий жойлар назариясини ривожлантирди. Ф. Перрунинг “ўсиш қутблари” назариясига[14] иқтисодиётнинг тармоқ структураси ва биринчи навбатда, янги товар ва хизматлар яратаётган етакчи тармоқлар ролининг му-

ҳим эканлиги ҳақидаги қоида асос қилиб олинган. Замонавий маконга оид иқтисодий ривожланиш амалиётида “ўсиш қутблари” назарияси эркин иқтисодий ҳудудлар, технополис ва технопарклар яратишнинг негизида ётади.

Тўртинчидан, иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлаш учун инсон капиталини доимий ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш инсон капитали муҳим омил бўлиб ҳисобланган назарияларга асосланади. Дастлаб, А. Смит янги қийматни яратишни инсон капиталининг меҳнат қобилияти билан ўлчаб, унинг таълим жараёнида ривожланиши ва ҳар кимнинг қобилиятига қараб ихтисослашиши муҳимлиги ҳақида фикр билдирган [15]. Инсон капитали назариялари Ж. Минсер (1958), Г. Беккер (1962), Бен-Порат (Ben-Porath, 1967), Т. Шульц томонидан батафсил ёритилган. Ж. Минсер ва Г. Беккер таълимга инвестицияларни қуйидаги тарзда кўриб чиқишади: шахс келажакда янада кўпроқ даромад олиш мақсадида таълимга инвестицияларни амалга оширади, шунинг учун инсон капиталининг қиймати, яъни ушбу инвестицияларнинг даромадлилиги шахс даромадларининг келгуси дисконтланган қиймати сифатида аниқланади [16]. Бу муаммо Бен-Порат томонидан янада батафсилроқ ёритилган бўлиб, у шахс таълимга қўйилмаларининг асосий қисмини ёшлигида амалга ошириши жоизлигини қайд этган. Шунинг учун бу вақтда олинган даромадлари нисбатан камроқ, лекин таълимга қўйилмалар келгусида катта даромадлар билан қопланишини изоҳлаган. Ж. Минсер таълимдан тушум тушунчасини киритиб, бунда шахснинг таълимга инвестициялар қиймати тўғрисида қарор қабул қилиш ҳажми айнан шу тушунчага боғлиқлигини қайд этади (r, “rate of return to education»). Агар таълим шахс томонидан ресурс сифатида кўриб чиқилса ва якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга таъсир этса, демак, таълим мамлакат иқтисодий ўсиши ва рақобатбардошлигининг ошишига ҳам таъсир этади. Теодор Шульц (Schulz, 1960) деярли биринчилардан бўлиб, таълимнинг иқтисодий ўсишга ҳиссасини баҳолаб чиқди [17]. У иқтисодиётнинг таълим секторини, аҳолининг таълимга харажатлари нуқтаи назаридан кўриб чиққан. Ҳақиқатан ҳам, Т. Шульцнинг баҳоси яққол якунланган бўлиб чиқди: АҚШ иқтисодиётининг қарийб 20% ўсишини у аҳолининг маълумотлилиги даражасининг ортиши билан изоҳлаб берган.

Бешинчидан, XX аср давомида иқтисодчи олимлар инновацион иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги назарий қарашлари билан мамлакатлар рақобатбардошлигини изоҳлашга сезиларли даражада ҳисса қўшишди. Хусусан, Ж. Шумпетер (1883–1950) макро даражадаги рақобатбардошликни таъминлашда инновацион фаолиятнинг муҳим

аҳамиятга эга эканлигини, инновациянинг моҳияти ва уни қўллаш мумкин бўлган соҳаларни, тараққиётни оширишда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш заруратини кўрсатиб берди [18]. Р. Солоу иқтисодий ўсиш омилларида технологик инновациялар ва ноу-хауни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Т. Хегерстранднинг инновациялар диффузияси назариясига [19] хос бўлган хусусият, бу асосий эътиборнинг анъанавий жойлаштириш омилларидан (транспорт, моддий ва меҳнат омиллари) номоддий омилларга ўтказилиши билан боғлиқ бўлиб, бу қаторга янгиликлар киритиш (янги маҳсулот турлари, технологиялар, ташкилий тажриба), шунингдек, янгиликлар киритишни ишлаб чиқиш ҳудуди бўйича тарқалиш хусусиятининг тўлқинсимонлигини киритиш мумкин. Т. Хегерстранд назариясига кўра, инновацияларнинг ҳудуд бўйлаб тарқалиши уч хил турда бўлиши мумкин: юзага келиш нуқтасидан барча йўналишлар бўйича бир текисда тарқалиш (кенгайиш диффузияси); белгиланган йўналишда тарқалиш (кўчиш диффузияси); аралаш тур. Инновациялар авлоди (генерацияси) Т. Хегерстрандга кўра тўрт босқичдан иборат: вужудга келиш, диффузия, тўпланиш, тўйиниш. Т. Хегерстранд назарияси қоидаларини ҳисобга олиш минтақа рақобатбардошлиги тадқиқотчиларини уларнинг турлари хусусиятлари ва бу тарқалиш жараёни тўлқинсимонлигини ҳисобга олган ҳолда, инновациялар тарқалишига асосланган минтақанинг рақобатли устунликларини шакллантириш воситалари билан қуроллантиради.

Олтинчидан, мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини ҳамда капиталини четга чиқаришда корпорацияларнинг рақобат афзалликларини асослашга қаратилган назарияларга ажратишимиз мумкин. XX асрнинг 70-йилларида саноатни ташкил этиш назарияси доирасида олиб борилган тадқиқотлар Америка ТМКлари томонидан амалга оширилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) афзалликларини аниқлаш ва баҳолашга асосий эътибор қаратдилар. Бу йўналишда, айниқса, капитални четга чиқариш борасида корпорацияларнинг рақобат афзалликларини асослашга қаратилган назариялар пайдо бўла бошлади. Бу афзалликларни реципиент-мамлакатда яққол кўриш мумкин. Ушбу йўналишдаги назариялар ичидан Р. Верноннинг маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли назарияси (1966)[20], Ж. Даннинг эклектик парадигмаси (1981)[21], М. Портернинг рақобатбардошлик назарияларини (1990) алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин (1-жадвал).

1 жадвал

XX асрда мамлакат ва минтақа иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлигига оид назарияларнинг ривожланиши

Йиллар	Назариялар муаллифи ва номланиши	Назариянинг қисқача тавсифи	Назария ишлаб чиқилган мамлакат
1981-1993 йиллар	Ж.Даннинг Эклектик парадигма назарияси	ТМКнинг жаҳон капитал бозорига кириб бориш сабаблари умумлаштирилган. Компаниянинг жаҳон капитал бозорида намойиш қилиши мумкин бўлган OIL афзалликлари таснифлаб берилган.	Буюк Британия
1988 йил	Б.-О. Лундвал, Б. Жонсоннинг иқтисодий таълимот концепцияси	Назарияда инновацияларни яратилиши ва янги билимларнинг пайдо бўлиши мамлакат ва асосан кичик мамлакат рақобатбардошлигини оширишнинг бирдан бир йўли сифатида қаралади. “Таълим” – тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун муҳим ҳисобланган билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг узлуксиз жараёнини ўзида мужассамлаштиради, деб қаралади. Лундвал кичик мамлакат шароитида қўшимча инновациялар ёрдамида юқори рақобатбардошликка эришиш имконияти бўйича, “таълим олиш” (Learning)нинг зарурлигини иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда муҳим бўлган асосий жараёнлардан бири деб ҳисоблайди. У *таълим иқтисодиёти* (Learning economy) номли муҳим атамани киритган. “Таълим” – тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун муҳим ҳисобланган билим ва кўникмаларни такомиллаштиришнинг узлуксиз жараёнини ўзида мужассамлаштиради. Маълум бир фаолият, ўқиш ёки касбий таълим жараёнида янги билимга эришилади. Б. Жонсон эса таълим жараёнида билимлар бирикмасидан ташқари иқтисодиётни такомиллаштириш учун муҳим ҳисобланган “эсдан чиқариш” (бир ёқлама фикрлашдан воз кечиш) жараёнини ҳам қайд этади. Унга кўра,	Дания

Йил-лар	Назариялар муаллифи ва номланиши	Назариянинг қисқача тавсифи	Назария ишлаб чиқилган мамлакат
		мамлакат рақобатбардошлигини ошириш жараёнига тўсқинлик қилувчи эски, анъанавий билим билан чекланиш ва аҳолининг маълум стандартлар билан чегараланишларидан холи бўлиши кераклигини, нафақат янги билим яратилганда эскисининг бузилиши, балки эски билим билан қатъий кўникиб қолмаслик, уни эсдан чиқариш ҳам муҳимлигини тушунтиради. Бошқачароқ айтганда, янгиликларни, шунингдек, модернизациялашни тез қабул қилиш қобилияти ҳақида гап боради.	
1988 йил	К. Фримэн, К. Переснинг “Техно-иқтисодий парадигма” концепцияси	Ушбу концепцияга кўра, жаҳон хўжалиги ривожланишининг ҳар бир циклида (Кондратьев, Шумпетер каби), жаҳон саноат тармоғларидан бирининг устувор ҳолатини белгиловчи техно-иқтисодий парадигма мавжуддир. Мазкур парадигма жаҳон хўжалигининг етакчи мамлакатлари эришган энг яхши амалий билимлар тизимини ўзида акс эттиради. Ҳар бир парадигма, жаҳон хўжалигининг кейинги ривожланиши учун муҳим ҳисобланган барча технологик билимлардан тўлиқ фойдаланиб бўлиши жараёнида тараққий этиши ва инқирозга учрашигача бўлган фазалар шаклланишини бошдан кечиради. Техно-иқтисодий парадигманинг ўзгариши мобайнида кам ривожланиш даражасига эга бўлган жаҳон хўжалиги мамлакатлари технологик асбоб-ускуналар бўйича ривожланган мамлакатларга етиб олишида “имкониятлар ойнаси” (window of opportunity)ни қўлга киритишади ва ўз иқтисодиётининг ривожланишида юқори даражага ўтадилар.	Буюк Британия
1990 йил	М. Портернинг рақобатли афзалликлар концепцияси	У мамлакат компанияларининг муваффақиятини таъминлаб берадиган қулай муҳитни яратиш қуйидаги тўртта муҳим кўрсаткичларга боғлиқлигини таъкидлайди:	АҚШ

Йил-лар	Назариялар муаллифи ва номланиши	Назариянинг қисқача тавсифи	Назария ишлаб чиқилган мамлакат
		- ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик; - талаб кўрсаткичлари; - яқин ва хизмат кўрсатувчи (ёрдам берувчи) тармоқлар; - рақобат муҳити ва фирма стратегияси.	
1990 йил	М. Портернинг миллатнинг 4 босқичда рақобатли ривожланиш концепцияси	Ушбу концепцияга кўра, давлат рақобатбардошликни тўрт босқичда ривожлантиради: 1) ишлаб чиқариш омиллари асосидаги рақобат; 2) инвестицияларга асосланган рақобат; 3) инновацияларга асосланган рақобат; 4) бойликка асосланган рақобат.	АҚШ
1990 йил	М. Энрайт Минтақавий кластер концепцияси	У рақобатли афзалликларни минтақа доирасида шакллантириш керак, – деган хулосага келди. Минтақавий кластерлар (фирмаларнинг географик жиҳатдан бир бирига яқин жойлашувидан ташкил топган саноат кластери) сиёсатини амалга оширишнинг асосий объекти бўлиб, улар доимо ҳукумат эътиборида бўлиши ва уларнинг илмий тадқиқот ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблади.	АҚШ
1992 йил	Б.-О. Лундвал ва бошқаларнинг миллий инновация тизими концепцияси	Миллий инновацион тизим: фирманинг ички ташкилий тузилиши; фирмалараро ўзаро муносабатлар, давлат сектори, молия секторини ташкил этишнинг институционал шароитлари; ИТТКИни ўтказиш ва уни ташкил этиш интенсивлиги; таълим ва касбий тайёрлаш миллий тизимидан ташкил топади. Лундваль кичик мамлакат (Дания каби) иқтисодиёти доирасида инновацияларни яратилишини ўрганиб, инновация алоҳида бир жараён эмас, балки бир қанча жараёнлар йиғиндисидир, деган хулосага келди. Бошқачароқ айтганда, ҳар куни нимадир янгиликлар яратилади, янги фикрлар жамланиб, аҳамиятли ихтиролар қилинади.	Дания

Йил-лар	**Назариялар муаллифи ва номланиши**	**Назариянинг қисқача тавсифи**	**Назария ишлаб чиқилган мамлакат**
		Лундвалнинг иккинчи фарази кичик мамлакат шароитида ишлаб чиқарувчи-истеъмолчи алоқаларини юқори даражада ривожлантиришга асосланади. Бу эса, икки қарама-қарши томонлар ўртасидаги ишонч ҳиссининг пайдо бўлиши, ўз навбатида, кичик мамлакатда инновацияларни жамиятга татбиқ қилинишининг осонлашиши билан изоҳланади. Қолаверса, сотувчи ва харидорлар ўртасидаги доимий фикрлар алмашинуви қўшимча инновацияларнинг пайдо бўлишига имконият яратади.	
1994 йил	Б. Асхайм, А. Изаксен-нинг “Таълим” минтақалари концепцияси	Саноат ҳудудларида жойлашган таълим муассасаларидаги жараёнлар-га таянган ҳолда минтақанинг рақобат-ли устунликларини ривожлантириш муҳимлиги акс этади. Маҳаллий ва глобал оммабоп билимлар минтақавий таълим ва инновацион тизимнинг асосий хусусияти ҳисобланади.	Норвегия
1995-2001 йил-лар	Дж.Хамфри, Х. Шмитц, Р. Каплин-скининг ТМКларнинг қўшилган қиймат занжири ва кластерининг ўзаро боғлиқлиги концепцияси	“Иқтисодиёт субъектлари рақобат-бардошлигини ошириш” тушунчаси нисбатан кенгроқ маъноли “такомил-лаштириш” тушунчасига ўзгартирилди. Дж. Хамфри ва Х. Шмиц қўшилган қиймат занжиридаги кластерлар ўзида акс эттирувчи рақобатбардошликни ошириш имкониятларини ажратиб кўрсатишади. Шу жиҳатдан, турли такомиллаштиришнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, Дж. Хамфри ва Х. Шмиц қўшилган қиймат занжиридаги кластерлар ўзида акс эттирувчи рақобатбардошликни оширишнинг учта асосий имкониятларини ажратиб кўрсатади: 1) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш учун жуда қулай шароит яратишда муҳим ҳисобланган тўлиқ бўлмаган иерархик муносабатлар занжири; 2) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишлаб	Буюк Британия

Йил-лар	Назариялар муаллифи ва номланиши	Назариянинг қисқача тавсифи	Назария ишлаб чиқилган мамлакат
		чиқариш жараёнини секин такомил-лаштирадиган, маҳаллий бозорга асосланган муносабатлар билан изоҳланадиган занжири; 3) барча ишлаб чиқариш жараёнларини босқичма-босқич такомиллаштиришда бир мунча оптимал ечим ҳисобланган корхоналарнинг тармоқ таркиби.	
1998 йил	М. Портер-нинг Макондаги саноат кластери концепцияси	Мамлакатнинг иқтисодий ривожлани-шини таъминлаш ва рақобатбардош-лигини оширишда ишлаб чиқаришни маконга оид ташкил қилишнинг янги шакли – саноат кластери муҳим ҳисобланиб, фирма кластерларининг географик яқинлиги илмий-технологик инфратузилмадан умумий фойдала-ниш, фирмалар ўртасидаги рақобат-нинг кучайиши, компанияларнинг ўзаро рақобатбардошликни ошириш учун вақтинчалик альянсларни тузиш имко-ниятининг юзага келиши ҳисобидан компания ҳамда иқтисодиёт тармоқ-ларининг ташқи ва ички самарага эришиши таъминланади.	АҚШ
2000 йил	Л. Доуснинг М. Портер модели бўйича танқидий таҳлили	Л. Доуснинг фикрига кўра [31], Портер моделлари энди ривож топмайди. Л. Доунс бир қатор бошқа таҳлилий ва бизнес-воситалар ишлаб чиқиш ва янгича стратегик структура талаб қиладиган учта янги кучни ажратиб кўрсатади: рақамлаштириш (digitalization), эркинлаштириш (deregulation) ва глобаллашув (globa-lization). Мисол тариқасида Л. Доунс телекоммуникация операторлари ёки кредит ташкилотлари томонидан бошқариладиган электрон савдо марказларининг роли ўсиб бораётган-лигини келтиради. «Бешта куч» модели, иқтисодий структурани тадқиқ этиш бу ўзгаришларни кузатиб бора олмайди.	АҚШ

Йиллар	**Назариялар муаллифи ва номланиши**	**Назариянинг қисқача тавсифи**	**Назария ишлаб чиқилган мамлакат**
2000 йил	Л. Доунснинг М. Портер модели бўйича танқидий таҳлили	М. Портер моделини танқидий таҳлил қилиб, Л. Доунс «Портер олами» ва янги кучлар ҳаракат қилаётган янги олам ўртасида тақсимланишда айнан ахборот технологиялари асосий роль ўйнайди, – деган хулосага келади. «Эски» иқтисодиёт ахборот технологияларидан ўз мақсадларини амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланган вақтлар ўтиб кетди. Бугунги кунда ахборот технологиялари ўз эҳтиёжларига мувофиқ дунёни ўзгартириб юбормоқда. О. Сабден (2007) М. Портернинг моделлари объектив сабаблар туфайли илгаригидек таъсир кучига эга эмаслигини изоҳлаб, янги иқтисодий қонунлар пайдо бўлди ва бошқа кучлар бозорларга таъсир кўрсатиб, уларни ўзгартира бошлаганлигини таъкидлаган [32], Бироқ бу М. Портер назарияси ўз кучини йўқотди дегани эмас. Эндиликда уларни барча чекловларни ҳисобга олган ҳолда қўллаш, бошқарув назарияси, усул ва воситаларининг бир қисми сифатида фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.	АҚШ

Таҳлилларимизнинг кўрсатишича, миллий ва минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлиги назарияларига асос солинган илмий мактабларни географик жиҳатдан 3 гуруҳга – Америка, Британия, Скандинавия илмий мактабларига ажратишимиз мумкин [23]. Ушбу илмий мактабларда мамлакат ва минтақа иқтисодиётининг жаҳон хўжалигидаги рақобатбардошлигига оид умумий назариялар шакллантирилди. Мазкур назариялар қуйидаги учта ўзаро боғлиқ бўлган тадқиқот блокларидан ташкил топган:

1. *Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш* – Америка илмий мактаби тадқиқотчилари (М. Портер, М. Энрайт ва бошқалар)нинг асосий мавзуси бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош ривожланишини амалга ошириш дастурининг амалий жиҳатларига жиддий эътибор қаратилган [22,24].

Миллий ва минтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлиги назарияларига асос солинган илмий мактабларни географик жиҳатдан 3 гуруҳга – Америка, Британия, Скандинавия мактабларига ажратиш мумкин.

2. *Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги халқаро меҳнат тақсимоти* – британиялик иқтисодчи олимларнинг ҳар доим диққат марказида бўлган ва Британия илмий мактаби (Ж. Даннинг, Р. Каплински, Ж. Хамфри, Х. Шмиц, К. Фрееман) рақобатбардошлик назарияларида ўз ифодасини топган [21,25,26,27].

3. *Миллий ва минтақавий инновацион тизимга* оид концепцияларга рақобатбардошлик назариясининг Скандинавия мактаби намоёндалари (Б.О. Лундвал, Б. Жонсон, Б. Асхайм, А. Изаксен, Э. Райнерт ва бошқ.) томонидан асос солинган [28,29,30].

Мазкур илмий мактабларнинг тадқиқотларини қисқача таҳлил этадиган бўлсак, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишнинг янги шакли бўйича Америка мактаби назарияларининг асосий ютуғи шундан иборатки, рақобат афзалликлари ромбини амалга оширувчи саноат ва минтақа кластерларининг мамлакат ва минтақа иқтисодий ривожланишининг асосий маконига оид шакли сифатида эътироф этилишидир. Умуман олганда, рақобатли афзалликлар ромби кластерлар ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч бўлса, минтақавий ҳамда саноат кластери эса, ромбнинг тармоқ ва маконга оид ифодаси ҳисобланади.

М. Портер ва М. Энрайтнинг мамлакат (минтақа) рақобатбардошлиги бўйича ишлаб чиққан назария ва амалий хулосаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, саноат ва минтақа кластерлари ривожланишини рағбатлантирувчи афзаллик-омилларини уч гуруҳга ажратишимиз мумкин.

1. Фирмалар ва мол етказиб берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг осонлашиши, малакали ишчи кучи, ахборот, хизмат кўрсатиш ва таълим марказлари ҳисобидан меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошади. Шу жиҳатдан, фирмаларнинг кластерда бевосита бир-бирига яқинлашуви ва биргаликдаги фаолиятлари ҳамкор фирмалар ўртасидаги келишувларни мувофиқлаштиришни енгиллаштириш имконини беради. Қолаверса, тарқоқ жойлашган фирмаларга нисбатан инновация диффузияси жадаллашади. Бундан ташқари, рақобатчи фирмалар самарадролигини ҳақиқий тақкослаш мумкин бўлади.

2. Такомиллашган ишлаб чиқариш жараёни орқали фирмаларнинг жуда мукаммал ахборотга эга бўлиши, ихтиролар, янгиликлар киритилишини рағбатлантиради, таълим ва илмий-тадқиқот марказлари эса янги билимларни юзага келишида, шунингдек, илмий тажриба асосида

янги илмий назарияларнинг тўғрилигини тасдиқлаш ёки рад этиш имконини беради.

3. Билим ва ишлаб чиқаришнинг тижоратлашувини таъминлайди. Янги фирмаларнинг пайдо бўлиши ва товарларнинг янги турларининг шаклланиши учун имтиёзли шароитларни (тегишли ишчи кучи, қўллаб-қувватловчи институтлар ва керакли мол етказиб берувчиларнинг мавжудлиги) жорий этади.

Тадқиқотлардан келиб чиқиб, британия мактаби вакиллари қўшилган қиймат занжири, доимо такомиллаштириш лозим бўлган ТМК, қўшилган қиймат занжирининг ўзаро алоқалари ва маҳаллий кластерлар бўйича изланишлар олиб боришганлигини кузатиш мумкин. Уларнинг асосий объекти бу мамлакатлар ўртасидаги мураккаблашиб бораётган рақобат жараёнларида ривожланаётган мамлакатларнинг тутган йўли (позицияси) ҳисобланади. Британия мактаби концепциялари асосий қоидаларини ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари шароитида, шунингдек, давлатлар минтақалари даражасида қўллаши мумкин.

Скандинавия мактаби назарияларида ишлаб чиқаришни маконга оид ташкил этишнинг янги шакли сифатида таълим жараёни ва ишлаб чиқаришга инновацияларни киритиш, шунингдек, рақобатбардошликни ошириш мақсадидаги узлуксиз таълим жараёнини таъминлаш борасидаги компаниялар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланишига асосий эътибор қаратилади.

Рақобатбардошлик назариялари хулосаларини умумлаштириб, мамлакат рақобатбардошлиги бўйича бир қатор хусусиятларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

1) мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳисобига юқори меҳнат унумдорлигига эришиш;

2) ишлаб чиқаришга инновацияларни жорий этишни тезлаштириш асосида анъанавий ва янги устувор тармоқларни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

3) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қўшилган қиймати юқори бўлишига эришиш, бунинг учун етарлича малакали кадрлар тайёрлаш ва юқори технологияларни иқтисодиётга жорий этиш;

4) ички ва ташқи талаб бўйича сифатли товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

5) барча чора-тадбирлар аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширишни таъминлашга қаратилиши лозим.

Фикримизча, ҳаёт даражасини бир маромда ушлаб туриш учун минтақанинг дотацион даражага тушиб қолиши, охир-оқибат капитал ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бошқа нисбатан барқарор ривожланаётган

ҳудудларга кўчиб ўтишига олиб келади. Шу муносабат билан, меҳнат самарадорлиги, аҳоли бандлиги динамикаси ҳамда иш ҳақи даражаси каби омиллар мамлакат ва минтақа рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ назариялар ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш, мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга нисбатан халқаро меҳнат тақсимотида самаралироқ иштироки, ишлаб чиқариш кучлари ва саноатни тўғри жойлаштириш, инсон капиталини доимий ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимига катта эътибор қаратиш каби йўналишларда ўз аксини топади.

Иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини оширишда инновацияларга таяниш замонавий иқтисодиётнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида унинг рақобатбардошлигини оширишда инновацияларга таяниш замонавий иқтисодиётнинг муҳим дастакларидан бири ҳисобланади. Шу боис, инновацияларни шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатувчи илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада ривожлантириш ўта долзарб масаладир.

Айни пайтда мамлакатимизда докторлик диссертациялари мавзуларини шакллантириш ҳамда уни бажариш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу ўринда, мавзулар базасини шакллантиришда илмий тадқиқотларнинг бажарилишидан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларнинг иштирок этишига имконият яратиш лозим. Бинобарин, истиқболда бажарилиши кўзда тутилган тадқиқотнинг ҳар йилги докторлик мавзулари рўйхатига таклифларни манфаатдор ташкилот ва муассасаларидан олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятнинг алоқаларини кучайишига замин яратади, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар

1. Ман Т. Богатство Англии во внешней торговле //Меркантилизм. Под ред. И.С. Плотникова. – Л.: ОГИЗ-СОЦЭКГИЗ, 1935.

2. История экономических учений /Под ред. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой. – М.: ИНФРА-М, 2006. – С. 36.

3. Швандар К.В. Современные тенденции формирования международной конкурентоспособности национальной экономики: афтореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Москва, 2011.

4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Эксмо, 2007. – С. 960.

5. Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. – М.: Эксмо, 2007. – С. 960.

6. Хекшер Э. Влияние внешней торговли на распределение дохода / Э. Хекшер. - Режим доступа: http:/www.seinstitute.re/Files/Veh6-09_Heckscher.pdf

7. Маршалл А. Принципы экономической науки / А. Маршалл. – М.: Изд. группа «Прогресс», 1993. – Т.3. – С. 351.

8. Тюнен И. Изолированное государство / И. Тюнен. – М.: Изд. Газеты «Экономическая жизнь», 1926. – С. 321.

9. Вебер А. Теория размещения промышленности: пер. с нем. / А. Вебер. – Л.; М.: Книга, 1926.

10. Christaller Walter. Die zentralen Orte in Suddeutschland. - Jena: Gustav Fischer, 1933. (Translated (in part), by Charlisle W. Baskin, as Central Places in Southern Germany. – Prentice Hall, 1966.

11. Лёш А. Географическое размещение хозяйства: пер. с нем. / А. Лёш. – М.: Изд-во иностранной литературы, 1959. – С. 455.

12. Колосовский Н. Н. Теория экономического районирования / Н. Н. Колосовский. – М.: Мысль, 1969. – С. 336.

13. Бандман М.К. Территориально-пространственная региональная мезомодель оптимизации пространственной структуры системы ТПК экономического района / М.К. Бандман, В.В. Воробьева, В.Д. Ионова // Опыт моделирования структуры территориально-производственных комплексов / под ред. М.К. Бандмана. – Новосибирск: ИЭиОПП, 1979. – С. 82 – 109.

14. Perroux F. Economic space: theory and applications / F. Perroux // Quarterly Journal of Economics. – Vol. 64. – 1950. – P. 89-104.

15. Smith A. An Inquiry into the Nature And Causes of the Wealth of Nations Book 2 – Of the Nature, Accumulation, and Employment of Stock. – London, 1776.

16. Mincer J. Human capital and Economic Growth, 1981.

17. Schultz T. Investment in Human Capital, 1961.

18. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. 1911. (1926, 1934).

19. Hagerstrand T. Innovation Diffusion as a Spatial Process / T. Hagerstrand. – Chicago: University of Chicago Press, 1967. – P. 350.

20. Vernon R. International Investment and International Trade in the Product Cycle // Quarterly Journal of Economics. 1966. N2 (May).

21. Dunning J.H. The globalization of business: the challenge of the 1990 s. – N.Y.: Routledge, 1993.

22. Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations: With a New Introduction. – N.Y.: The Free Press, 1990.

23. Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы. – Москва, Смоленск, 2005.

24. Enright M.J., Ffowcs-Williams I. Local Partnership, Clusters and SME Globalisation // OECD Workshop paper, 2001.

25. Kaplinsky R. Spreading the gains from globalization: what can be learned from value chain analysis? // IDS Working Paper №110, 2000.

26. Humphrey J., Schmitz H. Governance and Upgrading: Linking Industrial Cluster and Global Value Chain Research // IDS Working Paper №120, 2000.

27. Freeman C., Perez C. Structural Crises of Adjustment: Business Cycles and Investment Behaviour // Technical Change and Economic Theory / Ed. by Dosi G. et al. – L.: Pinter Publishers, 1988. – P. 38 – 66.

28. Lundvall B.-E., Johnson B. The Learning Economy // Journal of Industry Studies. 1994. P. 23 – 42.

29. Asheim B.T., Isaksen A. Regional Innovation Systems: The integration of Local "Sticky" and Global "Ubiquitous" Knowledge // Journal of Technology Transfer. 2002. Issue 1. – P. 77 – 86.

30. Reinert E.S. A Schumpeterian theory of underdevelopment – a contradiction in terms? STEP Group Report №15-94. – Oslo, 1994.

31. Larry Downes. Unleashing the Killer App: Digital Strategies for Market Dominance. 2000.

Сабден О., Кошанов А.К., Хусаинов Б.Д. и др. Конкурентоспособность национальной экономики: критерии оценки и пути повышения. – А., 2007. – С. 175.

М. Махаматов

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ҳужжатларини таснифлаш мезонлари

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг салкам бир асрлик фаолияти давомида ижтимоий соҳанинг энг муҳим қисмларидан бири бўлган меҳнатга оид муносабатларнинг деярли барчаси бўйича конвенция ва тавсиялар кўринишида ҳужжатлар қабул қилинган. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниш даври (1919 – 2016), миқдори (190 та конвенция 204 та тавсия) ҳамда мазмун-моҳияти уларни у ёки бу мезонлар асосида таснифлаш заруриятини юзага келтиради. Ҳар қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлашда, аввало, уларнинг ҳуқуқий табиатини чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ХМТнинг конвенция ва тавсияларини тадқиқ этган К. Гусов ва В. Толкунованинг қуйидаги фикрларига қўшилмасдан бўлмайди: «ХМТнинг меҳнатга оид конвенция ва тавсияларини халқаро меҳнат ҳуқуқининг манбаси сифатида таснифлаш – уларни исталган гуруҳларга ажратиш эмас, балки илмий жиҳатдан исботланган ва объектив мавжуд бўлган мезонлар (таснифлаш асослари) бўйича бирлаштиришдир [1].

Ҳар қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таснифлаш унинг мазмун моҳиятини тушунишда, юридик табиатини чуқурроқ ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

ХМТнинг норма ижодкорлик фаолиятини ўрганган олимлар томонидан билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ:** ҳужжатларнинг тартибга солиш предмети ва шаклини асосий мезон қилиб олувчилар [2]; **иккинчи**

М. Махаматов, ЖИДУ катта илмий ходим-изланувчиси.

гуруҳ: ҳужжатлардаги мажбуриятлар ҳажми ва уларнинг даврий жиҳатдан долзарблигини мезон қилиб белгиловчилар [3].

К. Гусов ва В. Толкунова томонидан ХМТ конвенция ва тавсияларини таснифлаш бўйича таклиф этилган мезонлар эътиборга молик:

1) меҳнат ҳақидаги нормаларнинг ифодаланиш шакли;

2) меҳнат муносабатларини тартибга солишга бўлган ёндошув усули;

3) ҳужжат мўлжалланган меҳнаткашлар доираси;

4) тартибга солиш объекти [4].

«Халқаро меҳнат ҳуқуқи» ўқув қўлланмаси муаллифлари Н. Лютов ва П. Морозов томонидан таклиф этилган таснифлаш мезонлари юқоридаги мезонларни нафақат тўлдиради, балки ХМТнинг конвенция ва тавсиялардан бошқа ҳужжатларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилади. Жумладан: а) ҳужжатларнинг мақомига кўра; б) ҳужжатларнинг мазмунига кўра; в) ҳужжатларни таснифлашнинг бошқа мезонлари каби йўналишлари бўйича тадқиқ этадилар [5]. Ҳужжатларни таснифлашнинг бошқа мезонларини ёритишда К. Гусов ва В. Толкунова томонидан таклиф этилган 4 та мезон бўйича муносабатларини билдириб ўтишган. Шу билан бирга, ХМТ ҳужжатларининг шакли бўйича таснифлашда қуйидаги ҳужжатлар шакли инобатга олинган: конвенциялар ва уларга протоколлар, тавсиялар, декларациялар, Халқаро меҳнат конференцияси (ХМТ)нинг резолюциялари, бирлашиш эркинлиги тамойиллари.

ХМТ ҳужжатларини таснифлаш бўйича ёндошувларнинг хилмахиллигини, уларни асослашда аниқ тўхтамнинг йўқлигини [6] ҳисобга оладиган бўлсак, фикримизча, таснифлаш мезонини иккига ажратиш мақсадга мувофиқ: **биринчидан,** асосий мезон ва **иккинчидан,** қўшимча мезон.

Асосий мезон асосида таснифлашда ҳужжатлар таснифи нисбатан барқарор бўлиши, муайян даврий хусусиятлар, ваколатли органларнинг қарорларига боғлиқ бўлмаслиги эътиборга олинади. Қўшимча мезонлар эса, асосий мезон асосида амалга ошириладиган таснифнинг ичида қўшимча тарзда амалга оширилиши мумкин.

Ҳужжатларнинг мақомига кўра таснифлашни қўшимча мезон сифатида олиш тўғрироқдир. Мақомига кўра таснифлаш ўзгарувчан характерга эга бўлиб, тегишли органларнинг қарорига мувофиқ даврий равишда ўзгариб боради. Ҳужжатларнинг мақомини белгилаш фақатгина расмий ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

ХМТ ҳужжатларини, халқаро меҳнат стандартларини чуқур таҳлил қилган олимлар Н. Валтикос ва Ж. Потобский конвенция ва тавсияларни предметидан келиб чиққан ҳолда таснифлаб, 16 хилдаги халқаро меҳнат нормаларини ажратиб кўрсатишган [7].

Халқаро меҳнат стандартларини тадқиқ этган В. Леринг "ХМТ конвенцияларини унда белгиланган мажбуриятлар тавсифидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш мумкин" деб, уларни учта гуруҳга: 1) давлатларнинг мажбуриятларини акс эттирувчи; 2) муайян ҳаракатлар қилишни талаб этувчи; 3) кам сонлини ташкил этадиган рағбатлантирувчи конвенцияларга (масалан, 1964 йилда қабул қилинган «иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги 122-конвенция) [8] ажратиш мумкинлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки халқаро шартномалар, шу жумладан, ХМТ конвенцияларида шартнома мақсадига эришиш учун давлатларга турли – туман мажбуриятлар юклатилган бўлсада, улар конвенцияларнинг мазмун-моҳияти, тизими ҳақида тўлиқ тассаввурга эга бўлиш учун етарли бўлмайди. Шу боис, давлатларнинг мажбуриятларига қараб эмас, балки тартибга солиш предметига қараб ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Халқаро шартномаларда мақсадга эришиш учун давлатларга турли мажбуриятлар юклатилган бўлса-да, улар ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, тизими ҳақида тўлиқ тассаввурга эга бўлиш учун етарли бўлмайди.

1998 йилда қабул қилинган ХМТнинг меҳнат соҳасидаги асосий тамойиллари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияда асосий ҳисобланувчи (фундаментал) конвенцияларнинг ажратиб кўрсатилиши ХМТ ҳужжатларининг таснифланишида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, аъзо давлатлар фундаментал конвенцияларни ратификация қилмаган бўлсалар ҳам, "мазкур конвенцияларнинг мавзуси ҳисобланган асосий ҳуқуқларга тааллуқли бўлган тамойилларни ҳурмат қилиш, уларни астойдил ва ХМТ Низомига мувофиқ қўлланишига кўмаклашиш мажбуриятига эга. Чунончи,

а) бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини тўлиқ эътироф этиш («Бирлашиш эркинлиги ва бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-конвенция; «Бирлашиш ва жамоавий музокараларни олиб бориш ҳуқуқи тўғрисида»ги 98-конвенция);

б) зўраки ва мажбурий меҳнатнинг барча шаклларини бартараф этиш («Мажбурий ёки зўраки меҳнат тўғрисида»ги 29-конвенция; «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-конвенция);

в) болалар меҳнатини қатъий ман этиш («Ишга қабул қилишдаги минимал ёш тўғрисида»ги 138-конвенция; «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида»ги 182-конвенция);

г) меҳнат ва иш турлари соҳасида камситилишга йўл қўймаслик («Тенг тақдирлаш тўғрисида»ги 100-конвенция; «Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишлар тўғриси»да 111-конвенция) [9].

Мазкур асосий ҳуқуқ ва принциплар бугунги кунда ХМТнинг 8 та конвенциясида ўз аксини топган бўлиб, унга аъзо давлатлар конвенци-

яларни амалга ошириш, мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш, юзага келаётган мавжуд тўсиқларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар ҳақида маълумот бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида 1992 йилдан 2016 йилга қадар 14 та конвенцияни ратификация қилган бўлиб, шундан 8 таси фундаментал конвенциялардир. Мамлакатимиз сўнгги саккизинчи фундаментал конвенция («Бирлашиш эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-конвенция)ни 2016 йилда ратификация қилган бўлса-да, ундаги вазифаларни 1998 йилги Декларация тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, конвенция ратификация қилингунига қадар ҳам амалга ошириб келди.

Ўзбекистон ХМТнинг аъзоси сифатида 14 та конвенцияни ратификация қилган бўлиб, шундан 8 таси фундаментал конвенциялардир.

Декларацияда баён қилинган мана шу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда, 1998 йилдан сўнг амалга оширилган ХМТ ҳужжатларини таснифлашда 4 та тоифадаги асосий ҳисобланувчи конвенцияларни ажратиб кўрсатишга асосий урғу берилган [10].

Л.А. Костин ХМТ ҳужжатларининг алоҳида таснифланишини келтириб ўтмаган бўлсада, ўз ишида ХМТ фаолиятининг асосий йўналишларини у қабул қилган конвенция ва тавсиялари орқали ёритиб ўтган. Олим ХМТ фаолиятининг 12 та асосий йўналишларини ажратиб кўрсатади [11].

ХМТ фаолиятиининг замонавий босқичида меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини тадқиқ этган олим О.В. Гликманнинг [12] ХМТ конвенция ва тавсияларини ҳуқуқий тартибга солиш предмети асосида таснифлаш ва мазкур ҳужжатларнинг долзарблик аҳамиятини ҳисобга олиш лозим, – деган фикрини қўллаб-қувватлаймиз.

ХМТ конвенцияларининг Халқаро Меҳнат Бюроси (ХМБ) ходимлари томонидан ҳам муайян мезон асосида таснифланиши унинг амалий аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур таснифланишда ХМТ конвенциялари тартибга солиш предмети асосида 23 та гуруҳга ажратилган ва ҳар бир гуруҳ таркибидаги конвенциялар мақомига кўра ҳам таснифланган [13].

Мазкур таснифнинг бунгача амалга оширилган ишлардан фарқли жиҳати, ўзига хос хусусияти шундаки, **биринчидан,** у конвенция ва тавсияларнинг тартибга солиш предмети асосида амалга оширилган; **иккинчидан,** ҳар бир гуруҳга киритилган конвенция ва тавсиялар ваколатли органлари хулосаси асосида бир неча мақомдаги ҳужжатларга ажратилган; **учинчидан,** ХМТнинг фундаментал конвенцияси, яъни муҳим аҳамиятга эга конвенция ва тавсиялари ажратиб кўрсатилган.

ХМТ ҳужжатларининг таснифланиши нафақат хорижлик олимларни, балки ўзбекистонлик олимлар, тадқиқотчиларни ҳам қизиқтириб келган. Профессор А.Х. Саидов масъул муҳаррирлигида чоп этилган, ХМТнинг 29 та ҳужжати (23 та конвенция, 6 та тавсия) ўрин олган «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари" номли тўпламида ХМТ ҳужжатлари уларнинг мақомидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда жойлаштирилган:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари;
- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг алоҳида аҳамиятга эга бўлган конвенциялари.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенцияларига тегишли тавсиялар:

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги ва жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқини амалда эътироф этиш тўғрисидаги тавсиялари;

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги тавсиялари;

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг болалар меҳнатини қатъиян ман этиш тўғрисидаги тавсиялари;

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги тавсиялари;

- Халқаро Меҳнат Ташкилотининг айрим конвенция ва тавсиялари [14].

Профессор А.Х. Саидовнинг ХМТ конвенция ва тавсияларини таснифлаш бўйича қарашлари эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича, ХМТ ҳужжатлари мазмунига қараб қуйидагича таснифланади: 1) инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги актлар; 2) иш билан таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги актлар; 3) меҳнат шароитларини тартибга солувчи актлар; 4) техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси бўйича актлар; 5) алоҳида тоифадаги меҳнаткашларни юқори даражада ҳуқуқий ҳимоялаш тўғрисидаги актлар; 6) давлат, иш берувчилар, меҳнаткашлар ташкилотлари ҳамкорлиги тўғрисидаги, меҳнат низоларини тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги актлар [15].

ХМТ конвенция ва тавсияларини таснифлашда уларнинг мазмуни меъзон сифатида олиниши бунгача амалга оширилган ишларда учрамаган эди. Бундан ташқари, ХМТ томонидан қабул қилинадиган барча конвенция ва тавсияларни мазкур мезон бўйича таснифлашни давом эттириш имкони мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ХМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатларни таснифлашнинг қуйидаги мезонларини таклиф этамиз:

биринчидан, халқаро меҳнат нормаларининг ифодаланиш шаклига кўра: конвенция, протокол, тавсия, декларация;

иккинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш объекти (предмети)га кўра (ҳар бир предмет таркибида ҳужжатларни амалдаги мақомига кўра ҳам таснифлаш);

учинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш доирасига кўра: умумий ва махсус.

ХМТ ҳужжатларини таснифлашда унинг мазмуни ва тартибга солиш предмети асосий меъзон бўлиши лозим.

Фикримизча, ХМТ томонидан қабул қилинган ҳужжатларни таснифлашда, унинг мазмуни ва тартибга солиш предмети асосий мезон бўлиши лозим. Бунда нафақат конвенциялар, балки уларга мувофиқ қабул қилинган тавсияларни ҳам келтириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, тавсияларни ҳам, ўз навбатида, икки гуруҳга бўлиш лозим. Чунки айрим масалалар бўйича ҳам конвенция ва тавсия мавжуд бўлса, айримлари бўйича фақатгина тавсия қабул қилинган холос. Ҳар бир предмет бўйича қабул қилинган конвенция ва тавсияларни яна икки гуруҳга: ратификация учун очиқ ва ратификация учун ёпилган ҳужжатга ажратиш ХМТ ҳужжатларининг бугунги кун талабларига қай даражада жавоб бераётганлигини, ҳуқуқий муносабатларни нечоғлик самарали тартибга солаётганлигини таҳлил этиш имконини беради. Шу билан бирга, ҳар бир предмет таркибида умумий махсус предметни ҳам таснифлаш мумкин.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни олим ва тадқиқотчилар томонидан амалга ошириладиган таснифлаш норасмий бўлса-да, мазкур ҳужжатларни тизимлаштириш, кодификациялашни амалга оширишда, давлатлар томонидан мавжуд конвенцияларни ратификация қилиш тенденциясини ўрганишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России: учебник. – М.: Проспект, 2004. – С. 462.

2. Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России: учебник. – М.: Проспект, 2004; Лютов Н.Л., Морозов П.Е. Международное трудовое право: учебное пособие. – М.: Проспект, 2011; Valticos N. Potobsky G. International Labour Law, 1994; Костин Л.А. Международная организация труда. – М.: ЭКЗАМЕН., 2002; Гликман О.В. Защита прав человека в сфере труда в деятельности МОТ на современном этапе: автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.ю.н. – М., 2004.

3. Leary V. “Form Follows Function” – Or Does it? Formulations of International Labour Standards: Treaties, Codes, Soft Law, Trade Agreements. Stanford Law School International Standards Conference. – May, 2002.

4. Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России: учебник. – М.: «Проспект», 2004. – С. 463.

5. Лютов Н.Л., Морозов П.Е. Международное трудовое право: учебное пособие. – М.: Проспект, 2011. – С. 38 – 44.

6. Морозов П.Е. Проблемы классификации источников международного трудового права в условиях глобализации // Бизнес в законе, №5, 2011. – С. 151.

7. Valticos N. Potobsky G. International Labour Law, 1994. – P. 7 – 13.

8. Leary V. "Form Follows Function" – Or Does it? Formulations of International Labour Standards: Treaties, Codes, Soft Law, Trade Agreements. Stanford Law School International Standards Conference. – May, 2002. – P. 8.

9. ILO Declaration on fundamental principles and rights at work. www.ilo.org/declaration. CIT/1998/PR20A

10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари / Масъул муҳаррир. А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008.

11. Костин Л.А. Международная организация труда. – М.: ЭКЗАМЕН., 2002. – С. 3 – 4.

12. Гликман О.В. Защита прав человека в сфере труда в деятельности МОТ на современном этапе: автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.ю.н. – М., 2004.

13. List of instruments by subject and status (2014). www.ilo.org/normlex

14. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари / Масъул муҳаррир. А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – Б. 3 – 4.

15. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва тавсиялари / Масъул муҳаррир. А.Х. Саидов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – Б. 12 – 13.

A. Abdullayev

Contentious Politics. 2nd Edition. Charles Tilly and Sidney Tarrow. Oxford University Press. 2015.

This book is the product of collaboration of two prominent scholars, Charles Tilly (Columbia University) and Sidney Tarrow (Cornell University) who explore various forms of political contention through a number of case studies from across the world including Middle East, Europe, Africa and Americas. They target broadly students and scholars of the social sciences as the contentious politics is a trans-disciplinary phenomenon of challenge to power. Authors, in simplest form define *contention* as one party making claims on another (8) and provide set of analytical tools for better understanding of modern social movements, religious and ethnic conflicts, issues with nationalism and civil rights, as well as aspects of transnational activism.

The structure of the book is logically coherent and it starts with drawing lines between antislavery movement that emerged in Britain on XVIII century and recent crisis in Ukraine to explain episodes of making claims. They argue, although differences in both cases similarities can be observed in actors making claims on authorities, usage of public performances, repertoires and invented new forms of collective action, alliances with influential members of their respective polities, taking advantage of existing opportunities and making new ones, utilization of a combination of institutional and extra-institutional routines to advance claims. Then, authors argue that contentious politics involves many different forms and combinations of collective action and to prove their argument they bring example of contradictory case of a police murder in Ferguson during summer 2014.

Akmaljon Abdullayev, *PhD student of UWED.*

After introductory part authors attempt to connect contention to different types of political systems and the opportunities and threats they extend, and relate opportunities, and threats to democratization. Later authors examine how political actors form, change, make claims, and interact with each other. Then the book focuses on to political actors mobilization and demobilization before applying the analysis to social movements and lethal conflicts. In later chapters, we turn to transnational contention, and to movements against inequality to recapitulate the books main lessons. The book ends with a reflection on how social media may be transforming contentious politics and with suggestions for how students can use this book as both scholars and citizens. It is important to point out that the authors of the book confront those who exaggerate the importance of digital communication in contemporary contentions. They argue while technology plays crucial role in spread of mobilizations fast and far, the existence of combination of mechanisms like brokerage, identity shift, and coordination and processes like mobilization, scale shift, and polarization to turn the structural potential for contention into confrontations with authorities (220).

What makes this theoretical piece reader friendly is that it aims to identify parallels in the ways that apparently disparate forms of contention work, and show how their differences result from varying combinations and sequences of mechanisms in contrasting environments. Contradictory examples from different historical events and large-scale violent as well as non-violent conflicts serve mainly to demonstrate similar causes and effects operate in different political processes.

In order to support key arguments, authors use number of pictures, tables and figures. This combination of illustrations can perhaps be divided into three general categories, data to explain made theoretical point, figure to emphasize empirical facts, and illustrations to describe how to study contention and contains a number of hints for students who want to carry out their own analyses.

While the most of the arguments of the books have been initially coined in previous works of both authors, for instance by Tilly in *From Mobilization to Revolution (1978), Social Movements, 17682004 (2004), Regimes and Repertoires (2006)* and by Tarrow in *Power in Movement: Collective Action, Social Movements and Politics (1994), The New Transnational Activism (2005),* this book further elaborates two particular aspects of contention. First, it differentiates more specifically the environment of contention based on the *capacity* of governments. According to authors,

capacity means the extent to which governmental action affects the character and distribution of population, activity, and resources within the governments territory. When a high-capacity government intervenes in population, activity, and resources, it makes a big difference; it raises taxes, distributes benefits, regulates traffic flows, controls the use of natural resources, and much more. Low-capacity governments may try to do the same things, but they have little effect. (57).

Second, authors more or less admit that their previous works might have given wrong impression that the arenas of contentious politics are purely national and local due to their concentration on political structures, repertoires, and opportunities. Some episodes in this book were linked to other parts of the world, either through militants transnational ties or through the impersonal diffusion of their claims. The authors bring examples of outside influences as well as externally supported subversion (67, 194, 196) which scales up the topics from area of sociology or political science to international relations discipline.

Regarding to the drawbacks of the book, authors admit that there are no systematic explanations to any of case studies, neglects examples from Asia and lack of thorough discussion on the reasons of spread of the contention to other parts of population.

This book certainly contributes to the scholarship of understanding tangible issues in modern world. It offers analytical frameworks for examining contemporary and historical movements and wider forms of collective action from transnational terrorism to civil wars. Authors inspire discussions around the dialogue between theory and empirical cases and up-to-date analysis of major episodes of contention in the past decades will definitely stimulate students of social sciences, including from the University of World Economy and Diplomacy to apply the theoretical definitions of contentious politics to explain cases.

Таҳририятдан. *Бугунги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида илмий изланиш ва фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни маънода университетимизда қатор ўқув-илмий марказ ва лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, халқаро оммавий ҳуқуқ муаммоларини қиёсий тадқиқ этиш ва халқаро хусусий ҳуқуқ марказлари, музокаралар, замонавий можаролар ва минтақавий хавфсизликни ўрганиш, халқаро муносабатларнинг амалий таҳлили, чет давлатлар ва минтақаларнинг стратегик иқтисодий моделларини қиёсий ўрганиш лабораториялари. Шулардан келиб чиқиб, журналимизда мунтазам равишда университет илмий ходимларининг илмий ишлари ҳамда юқорида қайд этилган лаборатория ва марказлар томонидан амалга оширилаётган илмий тадқиқод ишлари тўғрисида, шунингдек, университетда ўтказилаётган илмий анжуманлар ҳақида ҳам маълумот бериш режалаштирилмоқда.*

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида 2016 йил октябрь-декабрь ойларида амалга оширилган илмий ва тадқиқот ишлар бўйича маълумот

2016 йилнинг 6 октябрь куни катта илмий ходим-изланувчи З.Юлдашқуловнинг “Савдо уйи иқтисодий дипломатия воситаси сифатида” мавзусида илмий семинари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар иштирок этди.

2016 йил 7 октябрь куни университетда Thomson Reuters (Scientific) LLC томонидан уюштириладиган тренинг семинари бўлиб ўтди. Унда Thomson Reutersнинг элекрон ресурслари, шу жумладан, Web of Science Core Collection маълумотларини топиш ва фойдаланиш масалалари тушунтирилди. Семинарда барча кафедра мудирлари, ўқитувчилар, докторантлар ва магистрантлар иштирок этишди ҳамда ўзларининг амалий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

2016 йил 26 октябрь куни катта илмий ходим-изланувчи Н.Файзуллаеванинг “Институт оговорок в современном международном праве: теория и практика” мавзусидаги илмий семинари бўлиб ўтди. Тадбирда профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар қатнашишди.

ЖИДУда 2016 йил 18 ноябрь куни “Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг долзарб масалалари: сиёсат, иқтисодиёт ва ҳуқуқ” мавзуидаги ёш олимларнинг V республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда ЖИДУ, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат молия институти каби республика олий ўкув юртларидан ёш изланувчилар иштирок этишди. Мазкур анжуманда халқаро муносабатлар доирасида иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий йўналишлардаги долзарб масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

2016 йил 20-23 декабрь кунлари катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиларнинг навбатдаги аттестацияси бўлиб ўтди. Унда 3 та ихтисослик бўйича жами 15 нафар докторантлар ва 54 нафар мустақил изланувчилар аттестациядан ўтказилди.

Докторантура ва мустақил изланувчилик институтларига кириш имтиҳонлари адолатли ва холисона тарзда 2016 йил 12-19 декабрь кунлари ўтказилди. Унинг асосида 2017 йил учун докторантура институтига 5 киши ва мустақил изланувчи институтига 10 киши қабул қилинди.